

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Неъматжонов Носиржон Тохиржон ўғли

**Мавзу: Давлат томонидан хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-
қувватлашнинг асосий йўналишлари.**

Мутахассислик: 5230400 – “Иқтисодиёт”

Бакалавр академик даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Иф.н. доцент Р. Исмоилов

Наманган – 2015

Мавзу: Давлат томонидан хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари.

Мундарижа

Кириш	3	
1-боб	Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлашнинг назарий асослари.	9
1.1-§.	Иқтисодиётни ривожлантиришда хусусий тадбиркорликни аҳамияти.	9
1.2-§.	Хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлашнинг моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги	22
1.3-§.	Хусусий тадбиркорликни самарали бошқариш ва ривожлантиришда давлатнинг роли	28
2- боб	Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни бугунги ҳолати ва уни қўллаб – қувватлаш масалалари.	38
2.1-§.	Наманган вилоятида хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш муҳитини шаклланиши хусусиятлари	38
2.2-§.	Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни бугунги ҳолати.	51
2.3-§.	Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш масалалари.	58
3- боб	Давлат томонидан хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг истиқбол йўналишлари	74
3.1-§.	Хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ривожланган давлатлар тажрибаси.	74
3.2-§.	Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда юзага келган муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари.	86
3.3-§.	Хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари.	93
	Хулоса ва таклифлар.	101
	Фойдаланилган адабиётлар.	105

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама берилаётган эътибор, соҳани ривожлантириш бўйича қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар натижасида республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда. Бунинг натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. «Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир»¹. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини моддий-техника ва маҳаллий ҳом ашё материалларига бўлган талабини аниқлаш, уларни маҳаллий ҳом ашё материаллари ҳақида ахборот билан таъминлаш, информацион базани шакллантириш, кадрларни иқтисодий, замонавий техника ва технологиялар ва ҳуқуқий билим савияларини ошириш даркор.

“Саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача оширилгани кичик бизнесни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тизимидаги муҳим қарор бўлди.

2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордаги микрокредитлар ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 39 фоиз

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

кўпдир. Сўнги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди”.²

Шу борада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз албатта яхши тушунамиз.

Мамлакатимизда иқтисодийни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришни, улардаги техникавий тараққиёт самарадорлигини оширишни талаб қилмоқда.

Кичик бизнес субъектларида янги техника ва технологияни жорий этиш учун унинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини аниқлаш керак бўлади. Шу сабабли, янги техника ва технологияни жорий этиш асосида иқтисодийда, жумладан, саноат ишлаб чиқаришида юқори кўрсаткичларга эришиш учун техник чора-тадбирларнинг қайси бири фойдали эканлигини аниқлаш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарурий ҳуқуқий замин, имтиёз ва қафолатлар тизими яратилган бўлсада, минтақа ва маҳаллий ҳудудларда уларни амалга жорий этиш бўйича бир қатор муаммолар мавжуд. Мавжуд муаммоларни, айниқса, иқтисодий-ижтимоий ривожланишда оқсаётган минтақаларда кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида экспорт-импорт операцияларини бошқариш муаммоларини бартараф этиш зарурияти туғилади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиши ва жаҳон бозорига кириб бориши муносабати билан мустақил давлатимиз олдида янги-янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Мамлакатимиз олдида қўйилган ана шундай долзарб вазифалардан бири бозор иқтисодиёти шароитида кичик

² Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмасини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари асосида ташкил этиш ва уни такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳозирги даврининг «Энг муҳим устивор масала – бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан..., кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, бу борада ўта муҳим бир масалани эътиборимиздан четда қолдирмаслик керак. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ўсиши билан мамлакатимизда таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз..., ҳал этишдан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда»³ деган эдилар.

Кичик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда Наманган вилоятида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурслари салоҳиятдан тўла ва самарали фойдаланиш, уларни зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш кичик бизнес ва тадбиркорлик ишлаб чиқариш жараёнини самарали олиб боришни қўллаб-қувватлаш ҳамда ташкил этиш ушбу мавзунини долзарб мавзу эканлигини ифода этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу масалалар россиялик иқтисодчи олимлар асарларида ҳам кенг таҳлил қилинган, жумладан Л.И.Абалкин, Абчук В.А., Абатуров В., Пугач Г.И., Боев Х.И., Дискон Д.Е., Шумпетер И, Хизрич Р., Питерс М. лар тадқиқотларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари Б.А.Эркаев, Н.М.Махмудов, В.М.Шепелев,

³ 2007 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган мажлисда И.А.Каримовнинг «Янгиликлар ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир» маърузаси Халқ сўзи 2007 йил 13 феврал.

М.Л.Турсунхўжаев, У.Р.Валижонова, Д.В.Тростянский каби олимлар асарларида ёритилган.

Тадқиқотнинг мақсади бозор муносабатлари шароитида хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Тадқиқот ишининг объекти сифатида Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари танлаб олинди.

Тадқиқот предмети сифатида Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб турган давлат идоралари ҳамда ташкилотлари, улар ўртасидаги мавжуд иқтисодий муносабатлар мажмуи танланди.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот ишининг асосий мақсади таркибий ўзгаришларни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни бошқариш тизимини самарали ташкил этиш, жаҳон андозалари даражасида юксалтириш имконини берадиган назарий ва илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга мувофиқ тадқиқот ишининг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- иқтисодиётни ривожлантиришда хусусий тадбиркорликни аҳамиятини ёритиш;
- хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлашнинг моҳияти, аҳамияти ва зарурлигини баён этиш;
- хусусий тадбиркорликни самарали бошқариш ва ривожлантиришда давлатнинг ролини ёритиш;
- Наманган вилоятида хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш муҳитини шаклланиши хусусиятларини аниқлаш;
- Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни бугунги ҳолатини таҳлил қилиш;

- Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш масалаларини ўрганиш;

- хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизда жорий эетиш масалаларини таҳлил қилиш;

- хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда юзага келган муаммолар ва уларни бартараф эетиш масалаларини ўрганиш;

- хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштири йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари, асосан, бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонун ва қонуниятлари ҳамда Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қорхоналари фаолиятини тақшил эетиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда улар фаолиятини самарали ташкил эетиш билан боғлиқ қарорлар, ушбу соҳа бўйича йирик олимларнинг назарий ишларига асосланади. Тадқиқотда ижтимоий-иқтисодий ва статистик фанлар методологияси ва услубларидан кенг фойдаланилади. Тадқиқотнинг манбаси республикада хусусий тадбиркорликни бошқариш тизими маълумотлари, Наманган Статистика бошқармаси маълумотлари, шунингдек марказлашган ҳолда чоп этилган турли хил статистик маълумотномалар

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш амалиётига таянган ҳолда унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагиларда ўз ифодасини топди:

- иқтисодиётни ривожлантиришда хусусий тадбиркорликни аҳамиятини ёритилди;

- хусусий тадбиркорликни самарали бошқариш ва ривожлантиришда давлатнинг роли баён этилди;

- Наманган вилоятида хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш муҳитини шаклланиши хусусиятлари аниқланди;

- Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни бугунги ҳолати таҳлил қилинди;

- Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш масалалари ўрганилди;

- хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилди ва мамлакатимизда жорий этиш масалалари таҳлил қилинди;

- хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда юзага келган муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари ўрганилди;

- хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундан иборат бўладики, битирув малакавий ишида ишлаб чиқилган ғоя ва таклифлар хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни ривожлантириш, ташкил этиш ва бошқариш, уни амалий муаммоларини ўрганиш асосида маҳаллийлаштириш дастурларидан фойдаланиш имконияти туғилади.

Битирув малакавий ишидан олинган назарий ва амалий мулоҳазалар хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва бошқаришда, илмий-тадқиқот ишларида, олий таълим муассасаларида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси очиқ берилган. Мавзунинг биринчи бобида назарий ва услубий масалалар ёритилган, иккинчи бобида эса тадқиқотда мавзунинг ривожланиш даражаси, ҳолати ва йўналишлари ёритиб берилган. Учинчи бобда мавзудаги масалаларнинг келажакдаги вазифалари, башоратлари келтириб ўтилган.

I.боб. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлашнинг назарий асослари.

1.1. Иқтисодий ривожлантиришда хусусий тадбиркорликни аҳамияти

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар тобора салмоқли аҳамият касб этмоқдалар. Шунинг учун ҳам бугун юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш орқали мазкур соҳанинг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги улушини кўпайтиришни таъминлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан соҳа фаолиятини амалга оширишда давлат органларига улкан масъулият юкланди, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш мақсадида дастурлар ишлаб чиқилди.

Энг аввало тадбиркорлик тушунчаси ҳақида сўз юритсак, ҳозирги пайтда турли илмий – назарий адабиётларда тадбиркорлик фаолияти ва бизнес хусусида, унинг йўналишлари, тамойиллари, ҳуқуқий – иқтисодий жиҳатлари тўғрисида кўплаб олимларнинг фикрлари, мулоҳазалари кенг ўрин эгалламоқда. Уларда кўпинча тадбиркорлик фаолияти ва бизнес бир хил тушунча сифатида талқин қилинмоқда. Ҳаётимизнинг аксарият ҳолларида “бизнес” сўзини тижорат, савдо каби тушунчаларнинг синоними сифатида талқин қилинади. Кўпчилик ҳолларда эса, “тадбиркорлик” ва “бизнес”, “тижорат” ва “маркетинг” тушунчаларини бир хил фаолият сифатида кўрилади.


Аслида тадбиркорликни бизнесдан фарқи шундаки, тадбиркорлик – бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ижодкорлик, янгилик яратиш руҳи асосида ёндашиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. Бизнес эса,

унга нисбатан кенг тушунча бўлиб, умуман, фойда олиш нуқтаи назаридан юритилувчи фаолиятдир.

Хусусий тадбиркорлик – алоҳида шахс ёки корхона томонидан хусусий ташаббус асосида ташкил қилинади. Тадбиркорликнинг бу шаклида мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шахсларга тегишли бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёлланма меҳнатга асосланади.

Кичик бизнесда тадбиркорликни ташкил қилишнинг энг оддий шакли бу якка хусусий тадбиркорликдир.

Тадбиркорлик фаолияти



Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган

1.1-расм. Тадбиркорлик фаолияти йўналишлари.

Хусусий тадбиркорлик афзалликлари:

1) Ишни ташкил қилишдаги оддийлик, тўла мустақиллик, ҳаракатдаги эркинлик ва тезкорлик. Тадбиркор бирор қарор қабул қилишида юқори ташкилотларга мурожаат қилишининг ёки шериклар розилигини олишининг зарурати йўқ;

2) Ишга қизиқтирувчи сабабларнинг кўплиги, чунки барча фақат мулкнинг ёлғиз эгасига келиб тушади ва у кўпроқ ишлашга рағбатлантириди, иш устидан керакли назорат ўрнатиш, эҳтиётлик билан қарор қабул қилиш ва иш кўламини янада кенгайтиришга интилади;

3) Ишдаги (конфиденциаллик) махфийлик сақланади. Баъзи бир бизнес турларида махсус услуб, йўллар, технологиялар тадбиркорлик фаолиятининг асосий бойлигини ташкил қилади. Хусусий тадбиркорлик махфийлигини сақлашга хизмат қилади ва имкон беради.

4) Хусусий тадбиркорликда унинг ташкилий – ҳуқуқий шаклини ўзгартириш нисбатан енгил кечади (Масалан, масъулияти чекланган жамиятларни тузиш).

Хусусий тадбиркорлик – хўжалик юритишнинг шундай ташкилий – ҳуқуқий шаклики, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила бўлади ва фаолиятдан келган даромадни (турли тўлов ва солиқлар тўланганидан кейин) ҳаммасига эгалик қилади, қолаверса бизнесдаги хавф – хатар ва таваккалчилик учун ўзи жавоб беради⁴.

Тадбиркорликни муҳим белгилари ёки амал қилиш принциплари қуйидагича:

1. Мулкий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш, ишлаб чиқариш омилларининг барчасига ёки баъзи бирига ва яратилган товарларга эгалик қилиш;

2. Иқтисодий эркинлик, хўжалик фаолияти турини танлаш, уни ресурслар билан таъминлаш, олди – сотди ишларини юритиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда эркинлик;

⁴ С. С. Фуломов “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” Т.: «Шарк» нашриёти – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти- 2002.-22 б

3. Иқтисодий хатти – ҳаракатлар учун масъулиятни ўз зиммасига олиш, иш натижасига жавоб бериш, таваккал қилиб иў юрита олиш, иқтисодий хатарли ишга қўл уриш;

4. Фойда олишга интилиш, фойдага эришиш чора – тадбирларини кўриш, олган фойдасини ўз билганича ишлатиш;

5. Тижорат сирига эга бўлиш ва ўзгаларга ошкор этмайдиган маълумотларни сир тутиш;

6. Рақобат курашида қатнашиш, бозорда амал қилувчи қоидаларга риоя этган ҳолда ҳалол рақобатда қатнашиш, унинг ғирром ва ёввойи усулларида воз кечиш;

7. Ҳалоллик билан иш юритиш, қаллоблик, ғирромлик ва алдамчиликга мойил бўлмаслик, обрўга эга бўлиш, бошқаларга ишониш ва бошқалар ишончини қозониб эътибор ортириш, фирма номини эъзозлаб, унга путур етказмаслик, фирмани обрўсизлантирмаслик.

Иқтисодчи олим Н. Тўхлиевнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақидаги шундай фикрлари мавжуд:

Биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан бевосита боғлиқ масала бўлиб, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилади;

Иккинчидан, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиради ва айни пайтда ишлаб чиқаришни, бозорни истеъмол моллари ва хизматлар билан таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади⁵.

Иқтисодчи олим Л. Гуронинг фикрича, кичик бизнес қуйидаги афзалликларга эга:

- Кўп томондан иқтисодий ўсишнинг суръатларини белгилайди;

- Моддий, молиявий ва кадрлар ресурсларини самарали тақсимлашга ёрдам беради;

- Иш ўринларини вужудга келтиради;

⁵ Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». 1998. - 8- б.

- Янги иш жойини ташкил этиш йирик корхона қурилиши ва ишга тушишига қараганда кўп фойда беради⁶.

Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари йирик корхоналарга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Кўп ҳолларда йирик корхоналарда қўлланиладиган янги техника ва технологиялар кичик корхоналарда қўлланилганда кўпроқ самара беради.

Жаҳон тажрибасидан кўринадики, умуман, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатда ўрта мулкдорлар синфини пайдо бўлишига, барқарор солиқ солинадиган базанинг кенгайишига ёрдам беради. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда янги иш жойларини очиш ҳамда ёшлар орасида иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ муҳим ижтимоий ролни бажаради.

Яна шуни эътиборга олиш керакки, кичик ва хусуси корхоналарда яъни иш жойини яратиш йирик корхоналарига нисбатан анча арзон тушади. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик автомобиль, металлургия, нефт, кимё ва бошқа соҳалардаги йирик саноат корхоналарига жиддий қаршилик қила олмайди. Уларни қарама – қарши қўйиш ҳам нотўғри бўлади.

Президент И. А. Каримов томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарурлигини белгиловчи омиллар ҳақида қуйидаги фикрлар таъкидланади.

- Республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитади;

- Аҳолини (айниқса, ортиқча меҳнат захиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойларда) иш билан бандлигини таъминлайди;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фақат ички бозорни истеъмол товарлари билан таъминлаш билан бирга ташқи бозорларга ҳам рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга қодир;

⁶ Л. Гуло «Кичик тадбиркорликнинг янги имкониятлари» мақоласи. Бозор, пул, кредит. Журнали. Август-1998

- Кичик бизнесда бозор конъюктурасининг ўзгаришига тезда мослаша олиш имконияти ҳам мавжуд;

- Унинг фан ва техниканинг янги ютуқларини тез ўзлаштириш қобилияти ҳам мавжуд⁷.

Юқоридаги олимларнинг қарашларини жамлаган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда муҳим ўрин ўйнар экан, хулусога келиши мумкин. Бизнинг назаримизда, уларда ривожлантиришнинг зарурлигини белгилловчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мослашувчанлик хусусияти;

- Истеъмол бозирини товарлар ва хизматлар билан тўлдириш;

- Минтақавий инновациянинг жорий этилишига ҳар томонлама имкониятларнинг яратилиши;

- Солиқ тўловчилар сонини ошириш;

- Ишсизликнинг маълум даражада олдини олиш;

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш⁸.

Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш биз амалга оширидиган ислохотларимизнинг асосий бўғини ҳисобланади:


- Нима учун деганда, биринчидан, кичик бизнес ривожланган жаҳон иқтисодиётининг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти нафақат йирик бизнеснинг балки бутун мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизмат кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва уни реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғлик барқарор ривожланишига боғлиқ.

- иккинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида жаҳон бозорида рақобат янада кучаяди. Бундай шароитда айнан кичик бизнес йирик ишлаб

⁷ И. А. Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 574-б.

⁸ Т. М. Қоралиев, Ф. Қ. Яхшибоев Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми “Академия”, Тошкент 2006 й 16-б.

чиқарилувчиларга нисбатан капитал маблағи сарфини ҳам талаб қилиши, ихчамлиги, зарур тамойилларга, бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақти – вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тезроқ мослаша олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга.



Манба муаллиф томонидан тайёрланган

1.2-расм. Тадбиркорликни тавсифлаш белгилари.


Ҳозирги вақтда тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳаракатчанлик бўлса, иккинчиси жўшқинликдир. Тадбиркор ўзининг фикри бўйича муваффақиятга олиб келувчи янги, замонавий ҳаракат усулларини, маҳсулот турини ва технологияни, истеъмолчилар доирасини маҳсулоти ва кўрсатадиган хизмати сифатини яхшилаш йўлларини тинимсиз қидиради. У шундай инсонки, у пул маблағлари, материаллар ва ишчи кучини жамлаштириб, янги маҳсулот, янги бизнес ёки ишни ташкил этишнинг такомиллашганроқ усулини яратади.

Тадбиркор ташаббускор киши бўлиб, ишлаб чиқаришга катта кўламдаги янгиликлар киритади, ўзгаришлар ясашга ҳаракат қилади, техника ва технология соҳасида янгиликлар яратишга ҳаракат қилади, янги хизмат турларини яратади, ҳозирги вақтда маълум бўлмаган янги маҳсулот турларини яратиш йўлида ҳаракат қилади, ўз капиталини қўйиш учун янги ва

янги соҳаларни излаб топади, ўз маблағларини ошириш йўлида тинмай ҳаракат қилади, ресурсларга эгалик қилиш, ўз ҳудудида илғор тармоқларни ривожлантириш каби ишларни амалга оширади

Ислохотларни чуқурлашуви шароитида тадбиркорлик истиқболли ходиса сифатида тавсифланмоқда. Тадбиркорлик барча жамият тизимларида юксалиб борувчи қоникмаслик ҳиссининг ифодаланиши сифатида қаралади. У барча ижтимоий қатламлар орасида муросачиликни таъминлайди, чунки у ижтимоий маҳсулотнинг кўпайишини таъминлайди ва бу ижтимоий маҳсулотни барча қатламлар орасида тўғри ва ҳалоллик билан тақсимлаш имконини беради. Шу билан биргаликда тадбиркор қуйидаги ижобий натижаларга эришишга сабаб бўлади:

1. Ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни турли аҳоли қатламлари орасида ҳаққоний меъёрлар билан тақсимлаш.
2. Мамлакатда ишсизлик даражасини пасайтириш, меҳнатга қобилиятсизлар ва беғараз сабабларга кўра унумсиз ишловчи аъзоларга маблағ ажратиш, уларни етарли даражада кун кечиришини таъминлаш.
3. Паст даромадли шахслар сотиб олиш қобилиятининг турғунлигини таъминлаш.




Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган

1.3-расм. Тадбиркор ташаббускорлиги.

4. Инсоннинг асосий ҳуқуқларини, айниқса шахснинг эркин тараққий топиши ва уни иқтисодий тараққиёти учун тенг имконияти билан таъминланиш ҳуқуқларининг жорий қилинишини таъминлаш.


5. Иқтисодий ва ижтимоий тоифадаги гуруҳий манфаатларга риоя қилиш ва уларни тараққий топтириш, яқка шахс ва жамият, иш берувчи ва ишловчилар, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар манфаатларининг ўзаро мосланувчанлигини таъминлаш (1.4-расм).



Манба муаллиф томонидан тайёрланган.

1.4-расм. Тадбиркорликнинг ижобий натижалари.

Ҳозирги вақтдаги тадбиркорлик юқоридан белгиланувчи буйруқ ва кўрсатмаларга ҳамда қатъий руҳсат-таъқиқларга боғлиқ эмас. Уларнинг фаолияти ижодий фаолиятдир. Улар ўз шахсларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. У иш манфаати йўлида бор билимини намоиш қилади. Тадбиркорларнинг ижодий фаолияти иш манфаати учун ўзини-ўзи тарбиялаш ва чеклашга, бурч ҳисси ва шахсий ахлоқий жавобгарликка асосланган бўлади. Тадбиркорларнинг ахлоқ меъёрлари «Номус», «обрў-этибор», «имидж» тушунчалари билан боғлиқдир. Тадбиркорлик имиджи – тадбиркорлик субъектининг образи, қиёфасидир.



Манба: муаллиф томонидан тайёрланган

1.5-расм. Тадбиркорликни амалга ошириш схемаси.


Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тадбиркорликка кенг йўл очилди. Эндиликда тадбиркорлар тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларидан бирини танлаш имкониятига эгадирлар. Улар ўз имкониятлари доирасида бирон-бир шаклни танлайдилар. Мамлакатимизда қабул қилинган тадбиркорлик тўғрисидаги Қонунда тадбиркорлик фаолиятининг қатор шакллари кўрсатиб ўтилган. Уларга қуйидагилар киради:

1. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти.
2. Хусусий тадбиркорлик фаолияти.
3. Ширкат тадбиркорлиги.
4. Аралаш тадбиркорлик.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борилади.

Ширкат тадбиркорлиги фуқаролар гуруҳи томонидан олиб борилади.

Аралаш тадбиркорлик юридик шахс ҳамда фуқаролар томонидан мол-мулкни ўртага ташлаш йўли билан олиб борилади.




Манба муаллиф томонидан тайёрланган.

1.6-расм. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.

Якка тартибдаги меҳнат фаолиятдан ташқари қолган барча шаклларда иш бошлаш учун корхоналар тузиш лозим бўлади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилдан – йилга ривожланиб бормоқда. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди”.⁹ (1.7-расм).



Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган

1.7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда.

Ўтган 2014 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо 180 миллион долларни ташкил қилди,

⁹ Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари 1 миллиард 600 миллион долларга кўпайди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида махсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармасининг роли бу борада тобора ошиб бормоқда.

2014 йилда мазкур Жамғарма томонидан 2 минг 400 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилди. Жамғарма кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар миқдоридаги экспорт шартномалари тузилди. Мазкур шартномалар асосида ўтган йили қиймати 840 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинди.


Жамғарма томонидан тадбиркорларга ташқи бозорларни ўрганиш ва чет эллик шерикларни топиш, халқаро тендер савдоларида иштирок этиш, шунингдек, экспорт шартномаларини тузиш, халқаро сертификатлар, рухсат беришга оид ҳужжатларни олиш ва божхона расмийлаштируви бўйича фаол ёрдам берилмоқда.

Хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланиш имконияти, биринчи навбатда, бундай маҳсулотларни биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳисобидан сезиларли равишда кенгайтирилди. Масалан, 2014 йилда улар томонидан Республика товар-хомашё биржасида қарийб 3 триллион сўмлик ёки 2013 йилга нисбатан 1,6 баробар кўп хомашё ва материаллар сотиб олинди. Шу билан бирга, хусусий тадбиркорлар биржа савдолари орқали ўзлари ишлаб чиқарган 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулотни сотди, бу кўрсаткич 2013 йилга қараганда 1,7 баробар кўпдир.

2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга

ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда.¹⁰

Бунга кўп жиҳатдан ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг мазкур сектори учун барқарорлик қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимининг шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани туфайли эришилди. 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес субъектлари сони 420 мингдан ошган бўлса, 2014 йилда уларнинг сони 450 мингга етди.(1.8-расм)



Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган.

1.8-расм. Давлат рўйхатидан ўтган кичик бизнес субъектлари динамикаси

Иқтисодиётда банд аҳолининг 70 фоизи кичик ва хусусий бизнес ҳиссасига тўғри келади. Янги яратилаётган иш ўринларининг 89 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда.

1.2.Хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлашнинг моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги

Хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш зарурлиги давлатнинг олдида бир қатор вазиваларни қўяди:

¹⁰ Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

- ҳуқуқий кафолатлар бериш, ҳимоялаш ва тартибга солиш вазифаси-тадбиркорларнинг барқарор ривожланишини ҳамда уларнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг шароитларда фаолият юритишини таъминлашда имкон берувчи қонуний-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда уларга риоя этилиши устидан назорат юритиши;

- рағбатлантириш вазифаси-хусусий тадбиркорлик ташаббуси, адолатли рақобат ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолиятини турли иқтисодий дастаклар ёрдамида рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

- тақсимлаш вазифаси-ижтимоий адолат ва ҳимоялаш воситаси сифатида даромадларни қайта тақсимлаш, шунингдек, тадбиркорларнинг моддий-техникавий ресурслардан имтиёзли асосларда фойдаланишга шароит яратиш мақсадида ресурслар тақсимотига тузатишлар киритиш;

- ахборот-маслаҳат таъминоти вазифаси-тадбиркорларнинг ахборот таъминоти тизимидан тенг шароитларда, тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини яратиш, улар учун иқтисодий муаммоларнинг самарали ечимини топиш, хом-ашё ресурслари таъминоти, илғор техника ва технологияларни қўллаш юзасидан маслаҳатлар бериш;

-ижтимоий кафолатлаш вазифаси-ижтимоий таъминот ва ҳимоялашнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, тадбиркорларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий тадбирларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олади;

-ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш вазифаси-ҳалқаро бозорларда тадбиркорликнинг манфаатларини ҳимоялаш, имтиёзли божхона тарифлари ва солиқлар орқали экспорт учун қулай иқтисодий муҳит ҳосил қилиш тадбирлари.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- хусусий бизнес корхоналари яратилиши ва фаолиятининг меъёрий-хукукий негизини такомиллаштириш;

- хусусий тадбиркорлик корхоналарининг кредит манбалари ва сармоялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- тадбиркорлик хатарларидан барқарор ҳимояланишни таъминлаш учун суғурта тизимининг аҳамиятини ошириш;

- тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни, замонавий технология ва ускуналарни жалб этиш;

- хусусий тадбиркорликка хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини кенгайтириш ва ривожлантириш;

- хусусий тадбиркорлик корхоналарини хом-ашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;


- хусусий тадбиркорлик фаолияти кўрсаткичларининг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

- тадбиркорлик фаолияти субъектлари самарали фаолият юритиши учун уларни зарурий иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник ва бошқа хил ахборотлар билан таъминлаш;

- солиқлар, йиғимлар ва таърифлар бўйича имтиёзлар белгилаш;


- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти маълум бир шакллар ҳамда усуллар асосида олиб борилади. Давлат тадбиркорлик субъектлари фаолиятига маъмурий, иқтисодий ёки институционал усуллар ёрдамида бевосита ёки билвосита таъсир ўтказилади.




Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган

1.9-расм. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими.



Кўриниб турибдики, республика ҳукумати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг қудратли йўлини қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли Фармони амалга оширишда муҳим босқич ҳисобланади. Ушбу фармонга кўра хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия томонидан устав жамғармаларида давлатга тегишли улуш мавжуд бўлган корхоналарни хатловдан ўтказиш ва улар фаолиятини ўрганиб чиқиш бўйича ката иш қилинди.




Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган

1.10-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб – қувватлаш шакллари ва турлари ниҳоятда хилма – хилдир. Уларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- Давлат – ҳуқуқий ёрдами;
- Ташкилий ва бошқарув ёрдами;
- Моддий – техникавий ёрдам;
- Ижтимоий – психологик ёрдам.

Бозор иқтисодиётнинг тўлақонли амал қилиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги монополияга қарши сиёсатнинг самарасига ҳам боғлиқ.



Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган

1.11-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишлари.

1.3. Хусусий тадбиркорликни самарали бошқариш ва ривожлантиришда давлатнинг роли

Юқорида айтиб ўтилганидек, кичик бизнеснинг, хоҳ у ривожланган мамлакатларда бўлсин, хоҳ ривожланаётган ва иқтисодий ўтиш давридаги

мамлакатларда бўлсин, асосий хусусиятларидан бири иқтисодиётнинг ушбу сектори доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёжманд эканлиги ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш давлатнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда давлатнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаши асосан қуйидаги йўналишларда амалга ошириб келинди:

- мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун лозим бўлган ҳуқуқий-меъёрий асос яратилди;
- кичик бизнеснинг ривожланишида устуворликлар белгиланди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг Дастури ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда;
- кичик бизнеснинг ривожланишига ёрдам берувчи бозор инфратузилмасига асос солинди;
- имтиёзли солиқ, субсидиялар, давлат ва бюджетдан ташқари фондлардан бериладиган имтиёзли кредитлар, халқаро молия институтлари кредитларини жалб этиш кичик бизнес ривожланишини рағбатлантиради;
- ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хорижий ва миллий валютада микрокредит бериш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадаллаштириш ғамда унинг янада ривожланиши учун тегишли ижтимоий – иқтисодий шарт – шароит яратишда Ўзбекистон Республикасининг президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 24 январдаги фармони муҳим аҳамият касб этади. Унга биноан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт – шароитлар яратиш, уларни молиявий, моддий – техникавий ресурслар билан таъминлаш, тадбиркор ва хорижий инвесторлар манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун иқтисодий – ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш вазифаси белгиланган.

Хусусий тадбиркорликнинг самарали фаолият юритишлари учун етарли ҳуқуқий, иқтисодий шароитни вужудга келтириш мақсадида 2003 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида» ги қонун қабул қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш механизмини осонлаштириш мақсадида «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилди. Уларни давлат рўйхатидан ўтказадиган ташкилот, яъни туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ташкил этилди. Республика бўйича ташкил этилган 210 та инспекция 2003 йил 1 октябрдан ўз фаолиятини бошлади. Улар тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш билан бир вақтда уларни солиқ ва статистика органлари ҳисобига қўйишади, штамп ва муҳр тайёрлашга рухсат беради, инженерлик коммуникациялари, яъни газ, энергия, сув, иссиқлик таъминоти, канализация, телефон алоқасига қўшилишга ҳамда уй – жойни корхона учун объектга айлантиришга, тадбиркорлик объектларини қуриш ва реконструкция қилишга рухсат берувчи ҳужжатларини раймийлаштиради.

Қабул қилинган қафолатлар, имтиёз ва преференциялар кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имконият яратди, бунинг натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 33,8 фоиздан ҳозирги вақтдаги 56 фозигача кўпайди. Бугунги кунда жами банд аҳолининг 79 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина кичик бизнес соҳасида 400 мингдан кўпроқ янги иш жойлари яратилди.

Тадбиркорлар учун енгиллик яратиш мақсадида қуйидаги тўловлар миқдорини камайтириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди:

- архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар – 2 мартагача;

- экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари – 20 фоиздан 90 фоизгача;
- турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;
- лойиҳалаш ҳужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек, банкда ҳисоб рақами очиш ва ёпиш учун олинadиган тўловлар умуман бекор қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни тартибга солувчи 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди. Бунинг натижасида 26 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 76 та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1112-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилади.

Ҳозирда жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида республикамизда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорда рақобатдошлигини ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш мақсадида қуйидаги молиявий имтиёзлар берилди:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан (қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно) озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтирилди;

- корхоналарнинг кредиторлик қарзларини реструктуризациялаш ва бюджет, бюджетдан ташқари фондларга электр энергияси, табиий газ ва

коммунал хизматлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича тадбирлар амалга оширилди;

- экспортер корхоналар учун қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддатларини 20 кунгача қисқартирилди;

- ўз вақтида валюта тушумларига келиб тушмаганлиги учун жарима чоралари ҳисобланадиган муддатни 30 кундан 60 кунгача узайтирилди;

жорий йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сони 60 фоиздан ошиқ миқдорга камайтирилди.

Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати ўзайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг ўзоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

2013 йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди.

Шунингдек, ягона солиқ тўлови ставкаси бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлардаги чакана савдо, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини юритувчи дорихоналар учун 1 фоизгача пасайтирилди. Бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш йиғими белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдорида, савдо корхоналаридан эса минимал ойлик иш ҳақи миқдорида ундириш белгиланди. Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш борасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Имтиёзли кредит ставкалари, масалан, бизнесни бошлаш учун ажратилувчи кредит ставкаси 5%дан 3% га қадар пасайтирилди ва ҳ.к.

Бирок бу борада бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг етарли даражада аниқликда ишлаб чиқилмаганлиги вазирликлар ва давлат идораларининг, шунингдек, маҳаллий ҳукумат органлари томонидан тадбиркорлар манфаатларининг ҳимоя қилинишига маълум даражада тўсқинлик қилувчи қонуний ҳужжатлар қабул қилинишига олиб келмоқда. Бу эса, табиий равишда, жойларда кичик бизнеснинг ривожланишига халақит беради.

Кичик бизнеснинг жадал суръатларда ривожланиши учун зарур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш билан бир қаторда барча қабул қилинган низомлар, қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг ҳам юқори даражада аниқликда бажарилишига эришиш зарур. Бу мамлакатда тегишли ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш ва жамиятнинг барча аъзолари томонидан қонунларга риоя қилинишини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради. Бирок, Ўзбекистонда, бошқа кўплаб ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатлардаги каби, бундай механизмлар ҳали тўлиқ шакллантирилмаган. Бу кичик бизнеснинг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмаяпти, албатта. Ана шундай салбий таъсирларнинг оқибатларидан бири кичик тадбиркорларнинг ўз қонуний ҳуқуқларини билмасликлари ва улардан ўз манфаатларини ҳимоя қилишда фойдалана олмасликлари ҳисобланади.

Тадбиркорлар манфаатларини солиқ инспекцияси, санитария ва бошқа хизматлар вакиллари томонидан амалга ошириладиган ноқонуний хатти-ҳаракатлардан тўлиқ ҳимоя қила оладиган самарали механизмлар шакллантирилмаган. Амалиётда солиқ бошқаруви органлари томонидан кичик корхоналарнинг банклардаги ҳисоб рақамларидаги пулларидан раҳбариятни огоҳлантирмасдан солиқ мажбуриятларини ундириб олиниши каби салбий ҳолатлар кузатилмоқда. Шунингдек, солиқ ва бошқа текширувчи органлар вакилларининг кичик корхоналарга кутилмаганда «ўз манфаатлари» юзасидан текширувга келиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бу каби муаммоларни бартараф этишга алоҳида

этибор қаратилмоқда. Умуман олганда, кичик бизнеснинг ривожланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни юқори аниқликда ишлаб чиқиш тизимининг ривожланиши уларни самарали ижро этиш механизмининг ривожланишига олиб келади. Бу эса, табиий равишда, тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини тўлиқ муҳофаза қила оладиган ҳуқуқий механизмни юзага келтиради.

Маълумки, 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ана шу қарор давлат томонидан кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг аниқ йўналишини белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга. Давлат дастурида тадбиркорлик муҳитини шакллантиришнинг асосий устувор йўналиши сифатида қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш фаолиятини амалга оширадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қишлоқ жойларида ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш кабилар кўрсатилган. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва техник йўналишдаги маҳсулотларни, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган, шунингдек, қурилиш фаолияти билан шуғулланадиган, маиший ва коммунал хизматлар кўрсатадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тизимини ривожлантириш ҳам устувор масала ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш борасида олиб борилаётган сиёсат макроиқтисодий доирада амалга оширилаётган бўлиб, нафақат ички бозоримизни зарур эҳтиёж моллари билан тўлдириш, балки мамлакатимизнинг экспортга йўналтирилган сиёсатида кичик ва хусусий тадбиркорликни ҳаракатлантирувчи кучга айлантиришда намоён бўлмоқда.

Мамлакатда бозор инфратузилмаси, яъни бозор тизимини амалга оширишда иштирок этадиган ва унинг ривожланишини таъминлайдиган институционал объектлар тизимини ривожлантирмай туриб, том маънодаги бозор иқтисодиётини шакллантириб ва ривожлантириб бўлмайди. Бундай инфратузилманинг амал қилиши табиий равишда, кичик бизнес соҳасининг ривожланишини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш имкониятини яратади.

Кейинги йилларда республикамизда бозор инфратузилмаларини фаол шакллантириш жараёни амалга оширилмоқда. Бу жараённинг натижалари сифатида кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи брокерлик идоралари, кичик улгуржи ва чакана савдо тузилмалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, ахборот-маслаҳат марказлари, инжиниринг ва аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари, транспорт-экспедиция корхоналари, ахборот-реклама бюrolари ва бошқа турли хил инфратузилмалар тизими фаолият кўрсатиб келмоқда¹⁰.

Бунда биринчи навбатда, давлатнинг кичик бизнесни ривожлантиришда солиқ механизмдан қандай даражада фойдаланаётганлиги хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълумки, Ўзбекистонда мавжуд солиққа тортиш тизими кичик корхоналарга умумий солиққа тортиш тартибида ишлаш ёки ягона солиқни тўлаш имконини беради. Биринчи ҳолатда корхоналар қонунчиликда кўрсатилган барча солиқларни тўлайди. Бундай тартибнинг тадбиркорлар учун қулайлик томони шундаки, унга кўра ўз фаолиятини эндигина бошлаган кичик корхоналар (савдо корхоналари бундан мустасно) турли хил имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай имтиёзлардан энг муҳими солиқ тўлашдан вақтинчалик озод бўлиш ҳисобланади.

Бундан ташқари солиқ тўлашдан қисман озод бўлиш имтиёзи ҳам мавжуд. Бу имтиёзнинг моҳияти шундаки, даромад солиғига пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланади: белгиланган солиқ ставкасидан (31%)

¹⁰ Ходиев Б.Ю. ва бошқ. Кичик тадбиркорлик фаолияти асослари (ўқув-амалий қўлланма). – Тошкент: ЕҲ ТЕМПУС дастури “Матадор - 2000” лойиҳаси, 2004, 98-б.

фаолиятнинг биринчи йилида 25%и, иккинчи йилида бўлса 50%и тўланади. Бундай имтиёздан фойдаланиш учун кичик корхона савдо фаолияти билан шуғулланмаслиги, илгари фаолият кўрсатган корхона базасида ташкил этилмаган бўлиши ва бошқа шу каби хусусиятларга эга бўлиши керак. Умумий солиққа тортиш режимининг камчилиги солиқларнинг (республика ва маҳаллий даражадаги) кўплиги ҳисобланади.

Мамлакатимизда амал қилувчи кичик бизнес корхоналарини солиққа тортишнинг бошқа бир тартиби ягона солиқни тўлаш ҳисобланади. Бундай тартибда солиққа тортишнинг иккита объекти мавжуд бўлиб, улар ялпи тушум ёки ялпи даромад ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар ялпи тушумдан даромад тўлашса, савдо ва жамоат овқатланиш корхоналари ялпи даромаддан солиқ тўлашади. Бундай тартибнинг энг асосий ижобий жиҳати солиқни ҳисоб-китоб қилишнинг оддийлиги ҳисобланади.

Маълумотларга қараганда, жойларда кичик корхоналардан тушган солиқ тушумлари давлат бюджети даромадларида анча кам миқдорни ташкил этади. Бундай муаммонинг олдини олиш учун фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар томонидан тўланадиган солиқ ва мажбурий тўловлар ставкаларини камайтириш керак. Бунинг натижасида кичик корхоналарда бюджет даромадларининг муҳим манбаига айланади. Маълумки, кичик корхоналар роли янги иш жойларини яратиш ва иқтисодиётда инновацияларни жорий этишда намоён бўлади. Кичик бизнеснинг солиқ юкини қисқартириш ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг қисқаришига олиб келади. Бундан ташқари, бундай ҳолат кичик бизнес ривожланишини давлат томонидан молиялаштириш заруриятини ҳам камайтиради.

Энди, мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга халқаро молия институтлари томонидан кредитларни жалб этиш тизимини олиб қарайлик. Ҳозирги кунда кичик корхоналарга тақдим этиладиган кредитларнинг муҳим қисми Япония Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси, Марказий Осиё–Америка

тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш жамғармаси, Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимизда халқаро кредит линияларини ўзлаштиришда ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан бир қаторда Асакабанк, Саноатқурилишбанк, Тадбиркорбанк, Ўзприватбанк, «Ипак йўли» банки, ЎзДЭУбанк, АБН АМРО-банк ва АВИА-банк каби банклар фаол иштирок этмоқда.

Бироқ жойларда кичик бизнес субъектлари томонидан хорижий кредит линияларини ниҳоят даражада секин ўзлаштириш ҳоллари кўзатилмоқда. Бунга асосий сабаб, биринчидан, хорижий кредиторлар билан ишнинг яхши ташкил этилмаганлиги ҳисобланса, иккинчидан, қарз олувчиларнинг, яъни кичик бизнес субъектларининг хорижий кредит линиялари томонидан кўйиладиган талабларга мос келмаслиги ҳисобланади. Бу муаммоларнинг олдини олиш учун, биринчидан, хорижий кредит линияларини ўзлаштирган тижорат банкларида халқаро даражадаги билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни ёллаш, иккинчидан, банклардаги мавжуд мутахассисларни бу борада қайта тайёрлаш тизими сифатини ошириш, учинчидан, кичик корхоналарнинг раҳбарлари ва мутахассис ходимларининг билим ва тажрибасини ошириш тизимини янада ривожлантириш керак ва ҳоказо.

Кичик бизнес субъектларининг турли хил молиялаштириш манбаларига эркин кириб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиши керак. Кичик корхоналар, айниқса, шаклланиш жараёнида кредит олиш имконига эга бўлишлари лозим. Бу борада мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш учун айнан шу соҳа субъектлари учун мўлжалланган имтиёзли кредитлаш тизими жорий этилган бўлиб, ушбу тизим кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда тижорат банклари томонидан мақсадли тарзда ажратилаётган микрокредитларнинг берилиши фикримизнинг яққол далили бўла олади.

II.боб. Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни бугунги холати ва уни қўллаб – қувватлаш масалалари.

2.1. Наманган вилоятида хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш муҳитини шаклланиши хусусиятлари

Иқтисодиётда чуқур таркибий-тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш барқарор иқтисодий ўсишни, республика мустақиллиги ва Ўзбекистон аҳолиси гуллаб-яшнашини таъминлашнинг асосий шартларидан биридир.

Бизга мерос сифатида қолган хом ашёга йўналтирилган тармоқ тузилмаси, маънавий ва жисмонан эскирган ишлаб чиқариш базаси ва худудий номуносибликнинг мамлакатимизни шу жумладан Наманган вилоятини қандай оғир аҳволга солиб қўйганлиги барчага маълум. Шу сабабли ҳукуматимизнинг таркибий-тузилмавий сиёсати XXI аср бошида жаҳон бозори ва ички бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи Ўзбекистоннинг принципал жиҳатидан янги сиёсатини яратишга йўналтирилган. Мамлакатнинг заҳира имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминловчи мақбул иқтисодий тузилмани шакллантириш зарур.

Иқтисодиётнинг реал секторлари – саноат, аграр ва капитал қурилиш соҳаларини ривожлантириш асосида барқарор иқтисод ўсишга эришиш мумкин. Шу сабабли айнан шу секторларга инвестицияларни йўналтириш, уларни ишончли молиялашни таъминлаш лозим. Иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида пул массасини сунъий қисқартириш вазифаси ушбу соҳаларда пул айланишини меъёрида таъминланишига таъсир қилмаслиги керак.

Сўнги йилларда Ўзбекистон, шу жумладан Наманган вилояти иқтисодиёти ривожланиб бормоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 7,3 – 7,4 фоиздан ортиқ бўлмоқда.

Ўзбекистонда тадбиркорликни тараққий эттириш сиёсатининг негизи корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади.

Корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятларидаги рақобатдошлигини фақат – арзон ишчи кучи ва моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш билангина чекланиб қолмаслик лозим. Чунки асосий ишлаб чиқариш захиралари турларининг нархлари тез ошиши ёки мамлакатда ушбу захиралар чекланганлиги сабабли беқарордир ва рақобатда узок вақт устунликни таъминлай олмайди.

Юқори тартибдаги устунликларга эришиш – ноёб маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқариш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, машхур савдо маркалари яратиш ва фирмаларнинг мавқеини кўтариш зарур.

Ташқи бозорга йўналтирилган юқори технологияли озиқ-овқат саноатини вужудга келтириш ва истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, айниқса маҳсулотни келажақда муваффақиятли сотувчи хорижий фирмаларнинг технологик занжирига уланган ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлаш давлат таркибий-тузилмавий инвестиция сиёсатининг устивор йўналишидир.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг асосий объектлари хом ашё ва бирламчи қайта ишлаш тармоқларини тўлиқ шаклланиши натижасида пахта толасини экспорт қилиш 17 фоизга камайди тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши эса 2014 йилда 69 фоизга кўпайди Ўзбекистон иқтисодиётида автомобилсозлик, авиасозлик, электроника ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги каби юқори технологияли рақобатбардош тармоқлар вужудга келтирилди.

Наманган вилоятида тадбиркорликни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун амалга ошириладиган таркибий-тузилмавий

Ўзгаришларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- биринчидан, тайёр рақобатбардош маҳсулот чиқарилишини таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар ва тармоқларни яратиш, ишлаб чиқаришга фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, бошқаришнинг илғор шакл ва усулларини кенг киритган ҳолда қайта ишлаб чиқариш захираларини тежашга ўтиш.

- иккинчидан, анъанавий ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар ва жиҳозлар билан таъминланган ҳолда ривожлантириш;

- учинчидан, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини, мамлакатнинг транспорт, коммуникация, алоқа ва ахборот тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Маълумки, иқтисодиётнинг замонавий таркиби ишлаб чиқариш ҳаражатларини тежаш, қатъий технологик ва молиявий интизом асосида юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назарда тутди. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор инфратузилмаси шу жумладан, молия-кредит тизими тадбиркорликнинг ривожланишига жуда кучли таъсир этмоқда.

Бизнинг фикримизча, вилоятда тадбиркорлик субъектларининг инвестиция фаоллигини, иқтисодиётнинг замонавий тузилмасини яратишни таъминловчи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакатга жалб этишини қатъий рағбатлантириш зарур.

Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилиши аҳоли истеъмолининг ошишини билдиради. Бу энгил ва озик-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва ишчи кучи фойдасига нархлар динамикасидаги номутаносибликларни тугатишни кўзда тутди ва истеъмол товарлари ва хизматларга бўлган талабни оширади.

Тадбиркорлик фаолиятлари дастлабки босқичда кўпроқ тижорат товарларини олди-сотди муаммолари жараёнида олиб берилган бўлсада, ҳозирги пайтда тадбиркорликни ишлаб чиқариш жараёнини

ривожланитиришга, вилоятда мавжуд бўлган хом ашёлардан унумли фойдаланиб, экспортга тайёр маҳсулотларни товар шаклида чиқаришга тўла қонли йўналтирмасдан туриб, унинг иқтисодиётдаги роли ҳақида сўз юритиш тўғри бўлмайди.

Демак, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти айнан ва биринчи навбатда ишлаб чиқаришни тараққий эттиришга хизмат қилиши лозим.

Маълумки, иқтисодиётимиз тараққиёти учун зарур бўлган маҳсулотлар икки гуруҳга, яъни доимий равишда етарли маҳсулотларга ва камёб (дефицит) маҳсулотларга бўлинади. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

-айрим муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш монопол корхоналар қўлида эканлиги;

-собиқ иқтисодий тизимнинг емирилиши натижасида айрим зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё манбаларининг чет эл иқтисодий минтақаларида қолиши;

-муайян сабабларга кўра паст нархлар белгиланган маҳсулотларни ноқонуний четга олиб чиқиб кетишига уринишлар;

-чет мамлакатлардан айрим хом ашёларни ва ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш технологияларини олиб келиш муаммоларини мавжудлигидир.

Шу сабабли тадбиркор ўзининг тадбиркорлик фаолиятида ишлаб чиқаришни ташкил этиши учун қуйидагиларни аниқлаб олиши лозим:

-тадбиркор, аввало, тадбиркор сифатида тадбиркорликнинг маълум бир соҳасига кириб олиши ва фаолият юритишига ишонч ҳосил қилиши керак;

-тадбиркорлик фаолиятининг натижаси унинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш учун даромад олишини таъминлай оладими – йўқми ва уни қандай амалга ошириш зарурлигини аниқламоқ зарур.

Тадбиркорлик фаолиятини асл мақсади фойда олиш бўлгани учун тадбиркорнинг энг зарур вазифаларидан бири тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш бўйича зарур бозор ахборотларига эга бўлиши ва уни таҳлил қилиш асосида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ёки олиб бормаслик тўғрисида қарор қабул қилаолади. Тадбиркор тўпланган маълумотлар асосида бозор муҳитини ўрганиш орқали ишлаб чиқариш жараёнини маълум самарадор йўналишини танлаб олиши мумкин. Бунинг учун бозор конъюктураси аҳволини, унинг ўзгаришидаги мавжуд тенденцияларни пухта ўрганиб чиқиши асосида ишлаб чиқаришни шакллантириши зарур. Аммо бозордаги аҳволнинг турли қутилмаган омиллар таъсирида ўзгариб туриши ишлаб чиқаришни унга мос олиб бориш муаммосини ҳал этишни қийинлаштиради.

Бунинг асосий сабаблари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

-бозор талаби ҳамма вақт ишлаб чиқаришнинг имкониятларидан фарқ қилади, бозор механизмлари доимий равишда талаб ва таклиф қонуни асосида ўзгариб туради;

-бозор ва ишлаб чиқариш вақт жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун бозордаги иқтисодий механизмлар таъсири натижасидаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиш йўли билан унинг таркибий тузилишига тезлик билан таъсир эта олмайди. Сабаби шундан иборатки, тадбиркор ишлаб чиқариш жараёнини ҳозирги кундаги бозор ахборот-маълумотларига асосланиб юритиши туфайли ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ва ташкил этиш билан бирга, уни амалга ошириши учун маълум вақт, дарв талаб қилинади ва шу вақт ичида бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф қонуни ҳаракатида туб ўзгариш бўлиши натижасида ишлаб чиқараётган товарга талаб бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятида маркетинг хизматларига чуқур эътибор бериш асосида, бозорни мунтазам равишда маркетинг таҳлили асосида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маркетинг таҳлили асосида тадбиркор узоқ муддатга ишлаб чиқаришни режалаштириши ва уни амалга ошириши мумкин. Бозор маркетингги асосида олинган иқтисодий маълумотлар ишлаб чиқариш жараёнини, унинг таркибий тузилишини узоқ муддатга истиқболлаштиришни таъминлайди. Аммо ишлаб чиқариш жараёнларини истиқболлаштириш ҳар доим ҳам тадбиркор кўзлаган иқтисодий натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик ички ишлаб чиқариш муҳитини шакллантириш учун ишлаб чиқаришни истиқболлаштириш режаларини бир неча вариантларини ишлаб чиқиш ва унинг энг оптималини танлаб олиши ва ишлаб чиқаришга тадбир этиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Наманган вилоятида тадбиркорлик фаолиятининг самарали олиб борилиши, тадбиркорнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ташқи шарт-шароитларга ҳам боғлиқ. Уларнинг йиғиндиси тадбиркорлик фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил этади. Бу ўринда биз икки омилни ҳал қилувчи деб ҳисоблаймиз:

-ҳуқуқий омил, бу асосан давлат томонидан қабул қилинган қонунлар асосида тадбиркорлик фаолиятини белгилаб беришда ифодаланган. Албатта, бу қонунлар тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаши ва рағбатлантириши лозим. Шунинг учун бу қонунлар догма бўлиб қолмаслиги, ижтимоий тараққиёт талабларини чуқур ўрганиш асосида доимо такомиллаштириб борилиши зарур;

-сиёсий омил бу – давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилишидаги ҳозирги ҳолатга бўлган муносабатида ифодаланади. Чунки давлат ўзининг қонун ва қарорлари билан тадбиркорлик фаолиятига, унинг ишлаб чиқариш жараёнларига омманинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таъсир этади. Сиёсий омил тадбиркорлик фаолиятини тўғри йўналтиришга, ишлаб чиқариш жараёнини, жамият аъзоларини истеъмол талабларини тўлиқ қондиришга барча шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилиши керак. Мазкур омил барча бўғинлардаги давлат бошқарув органларининг кундалик фаолиятида айниқса яққол ифоланади. Сиёсий омил – сиёсат, қолаверса

иқтисодий сиёсат қанчалик доимийлик ҳолатига эга бўлади, тадбиркорлик фаолиятининг ҳам доимий, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёни асосида олиб борилиши таъминланади.

Иқтисодий сиёсатда доимийлик муҳитининг таъминланиши тадбиркорлар учун ўз тадбиркорлик фаолиятини истиқбол режалари асосида амалга оширишни таъминайди. Сиёсий омил нафақат сиёсий муҳитга, балки социал муҳитга ҳам боғлиқдир. Социал муҳим бу асосан жамият аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий яшаш даражаларида ифодаланади. Социал муҳитнинг қай даражада эканлигини қуйидаги омиллар асосида аниқлаш мумкин: жамиятнинг қай йўналишда ривожланиши, унинг мақсади; миллий урф-одатларга риоя қилиши; миллатнинг маълумот даражаси; миллий бойлик; миллий маданиятнинг хусусиятлари; ишчи кучларининг касб-хунар бўйича тайёргарлик даражалари; тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган жамоатчиликнинг муносабати; ижтимоий-иқтисодий инфраструктуранинг мавжудлиги.

Иқтисодий омил тадбиркорлик фаолиятида тадбиркорлар ўртасида бозор иқтисодиёти механизмлари остида талаб ва таклиф асосида ишлаб чиқариш воситалари, хом ашёлари, иш кучлари ва тайёр товар маҳсулотларига ёки кўрсатилаётган хизматларга шаклланадиган баҳоларда ва тадбиркорлар ўртасидаги рақобатда ифодаланади. Ишлаб чиқарилган товарларда баҳоларнинг шакилланишида юқорида келтирилган омиллар билан бирга тадбиркорларга бериладиган кредитлар учун олинадиган фоиз миқдорлари ва уларнинг даромадларни солиққа тортиш даражалари билан бирга белгиланган мажбурий тўловлар миқдори ҳам катта аҳамиятга эга. Иқтисодий омил сифатида манфаатдорлик даражасини оширишда бозор рақобати жараёнининг миқдорий ва сифат жиҳатларига эътибор бериш лозим. Рақобатнинг миқдорий жиҳати тадбиркорни қай ҳажмда маҳсулотни истеъмолчиларга сота олишнинг ифодалаб беради. Шундан келиб чиққан ҳолда тадбиркор сотиш мумкин бўлган ҳажмда товар ишлаб чиқаришини амалга ошириш керак. Агар тадбиркор томонидан ишлаб чиқарилаётган

маҳсулот ўзининг сифати жиҳатидан истеъмолчилар талабини юқори даражада қондира олса унда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мумкин. Демак, иқтисодий омилнинг сифат жиҳатидан унинг миқдорий томонини, истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда оширишни таъминлайди. Умуман иқтисодий омилни миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирларини ўсишига ижобий ва салбий таъсир этишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти маълум бир шароитда юзага келади. Бу шароит бозор иқтисодиёти муносабатларини ва эркин рақобатни шаклланишида ифодаланади. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдан асосий мақсад буйруқли иқтисодиётдаги барварлаштириш, текисчилик тенденциясини енгиб ўтиш орқали жадал иқтисодий тараққиётга йўл очишдир. Айни пайтда тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш жараёнида олишни кўзланган даромад даражаси аҳолини истеъмол товарларига бўлган талаби ҳажмига ва уларни тўлов қобилиятларига боғлиқдир. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнидаги маҳсулотларнинг баҳолари ижтимоий ишлаб чиқариш ҳаражатларидан ва унинг сифатидан келиб чиқишини таъминлайди. Бу ўз навбатида тадбиркорлик муҳити билан боғлиқ. Тадбиркорлик муҳити ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат бўлиб, ўзида тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий эркинлигини, бозор иқтисодий муносабатларидан кенг фойдаланган ҳолда маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишни тинимсиз рағбатлантирадиган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни ифодалайди.

Тадбиркорлик муҳитини шакллантириш ва уни бошқариш кенг энг муҳим жиҳатлари мамлакат Конституциясида, Фуқаролик кодексида, Солик кодексида, иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи бошқа қонунларда акс эттирилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик муҳитини шакллантириш қуйидагиларга боғлиқ:

- жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жихатидан ўзгаришига;
- жамият аъзолари психологиясининг ўзгаришига;
- иқтисодиётни ривожлантириш миллий стратегиясига;
- қабул қилинган миллий иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос тадбиркорлик инфратузилмаларни шаклланишига;

-эркин бозор иқтисодиёти муносабатларининг мустаҳкамлаб ва кенгайтириб борилишига.

Тадбиркорлик муҳитини шаклланиши – ялпи ички маҳсулотни, миллий даромадни, тадбиркорларни даромадларини ўсишини ва аҳолини турмуш шароитларининг яхшиланишини таъминлайди.


Тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиши ўзининг минтақавий, миллий ва халқаро хусусиятларига эгадир. Тадбиркорликнинг регионал, яъни минтақавий хусусиятлари ҳар бир минтақанинг иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиқишига боғлиқ бўлса, унинг миллий хусусиятлари шу мамлакатнинг тарихий тараққиёти, маданияти ва миллий анъаналарига боғлиқ ҳолда вужудга келади. Тадбиркорлик муҳити ҳал қилувчи даражада мамлакатнинг ички омиллари билан белгиланади, унинг халқаро давлатлар уюшмалар асосида шаклланиши ва ривожланиши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳам аниқ ҳақиқатдир.

Тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ўта муҳим аҳамият касб этади, айниқса жамият аъзоларининг меҳнатга лаёқатли қисмини ишлаб чиқаришда фаол қатнашишлари учун иш жойлари билан таъминлаш асосан унинг зиммасига тушади. Шунинг учун давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қуйидагиларга эътибор беришни кучайтириш зарур:

- тадбиркорлик фирмаларининг расман шаклланишининг тартиб-қоидаларини янада шакллантириш, бу борада давлат органлари томонидан мунтазам бепул маслаҳат ва кўмак берилишини жорий этиш;

- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун давлат томонидан иқтисодий имтиёзлар бериш даражасини янада такомиллаштириш;

-хусусий корхоналарнинг энг илғор технологиялар билан таъминланиши, техникавий қайта қуроллантирилишида иқтисодий имтиёзлар берилиши билан биргаликда техникавий характердаги чекловларни юмшатиш, техникавий рухсат бериш ва назорат тизимларини соддалаштириш;



Миллий бойлик ва турмуш шароитларини яхшиланиши

Манаба: Муалиф томонидан ишланган

2.1-расм. Тадбиркорлик муҳитини шаклланиши ва унинг ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги

-ишлаб чиқарилган товар маҳсулотларини экспорт қилинишини рағбатлаштириш дастакларини янада такомиллаштириш, экспортнинг

молиявий ва ҳисоб-китоб режимини эркинлантириш, экспорт хатарларини биринчи навбатда суғурталаш режими орқали чеклашни кенг жорий этиш.

Тадбиркорлик муҳитини шаклланиши жамиятдаги ижтимоий ривожланишнинг мазмуни ва йўналишига боғлиқ бўлади. Агар тадбиркорлик муҳити юқори даражада қулай бўлса, тадбиркорликни иқтисодий аҳволи, рағбатлари ва унинг самарадорлик даражаси ҳам юқори бўлади. Шунинг учун республикамизда, унинг иқтисодий минтақаларида маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш лозим.

Жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг яхшироқ қондирилиши тадбиркорликнинг миқдорий ва сифати ўсиши даражасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам давлат бошқарув идоралари иложи борича тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларини оширадиган иқтисодий муносабатларни шакллантиришни таъминлашлари керак.

Тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширишда қуйидагиларга амал қилиши лозим:

-ишлаб чиқариш жараёнида яратган товарларини рақобатбардош, сифати юқори даражада бўлиши;

-ишлаб чиқараётган товарлари ёки кўрсатаётган хизматлари баҳоларини шундай турдаги товарлар ёки кўрсатилаётган хизматларга нисбатан арзон бўлиши;

-истеъмолчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳажминини белгилаш.

Тадбиркор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш билан бирга ишлаб чиқараётган товарларини сотиш бозорларида ўз мавқеига эга бўлиши зарур. Тадбиркор ўзи ишлаб чиқараётган товарларни сотиш концепциясини, стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим.

Тадбиркор бозорни ўрганиш асосида шундай товар ишлаб чиқариши керакки, у товарга истеъмол талаби мавжуд бўлсин. Бунинг учун тадбиркор истеъмол товарлари бозорини ўрганиш асосида янги, сифатли товарни ишлаб

чиқаришга ёки мавжуд ишлаб чиқарилаётган товарларни маълум даражада такомиллаштиришга эришиши зарур.

Тадбиркорлар томонидан чет мамлакатлардан келтирилаётган импорт товарлар ўрнини боса оладиган товарлар ишлаб чиқарилиши мамлакат учун катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Бунга тадбиркор ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш асосида эришиш мумкин. Муҳими шундаки, мавжуд табиий, хом ашё, минерал ва меҳнат ресурслари сифати ва қиймати бўйича ҳозирда импорт қилинаётган қўплаб маҳсулотларнинг ўзимизда бир неча баробар арзон ишлаб чиқаришга имкон беради. Бу эса тадбиркорга ишлаб чиқариш товарларини истеъмол бозорида импорт товарларга нисбатан арзон баҳоларда сотишга эришишини таъминлайди.

Наманган вилоятида тадбиркорлик муҳитини шаклланиш хусусиятларини таҳлил этиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

-тадбиркорлик фаолиятини асл мақсади фойда олиш бўлгани учун тадбиркорнинг энг зарур вазифаларидан бири тадбиркорлик фаолиятини юритиш соҳаси бўйича зарур бозор маълумотларига эга бўлиш ва уни таҳлил қилиш асосида тадбиркорлик фаолиятини белгилаб олиш;

-бозор ҳолати билан ишлаб чиқариш тармоқлари таркиби ўртасидаги мувофиқликни ўрнатиш мураккаб муаммо бўлиб, бозор механизмлари, талаб ва таклиф қонуни асосида доимий равишда ўзгариб туради;

-тадбиркорлик ишлаб чиқариш муҳитини шакллантириш учун ишлаб чиқаришини истиқболлаштириш режаларининг бир нечта вариантини ишлаб чиқиш ва унинг энг мақбулини танлаб олиш ҳамда ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга;

-қўп илмий изланишларни талаб қилувчи соҳаларда, машинасозлик, кимё маҳсулотлари, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришларида, нефть-газ, агросаноат мажмуининг қайта ишлаш саноати, рангли металлургия саноати соҳаларида хусусий секторни жадал ривожлантириш катта имкониятилари мавжуд ва улар етарли даражада ишга солинмаяпти;

-экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш учун ўз вақтида танланган устиворликларга мувофик фаолият кўрсатувчи экспортчи корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши механизмини такомиллаштиришга доир чоралар кўриш, шунингдек, уларнинг инвестиция фаоллигини қўллаб-қувватлаш;

-экспорт тузилмасини ўзгартириш мақсадида товарларнинг хом ашё номенклатурасидан тортиб, юқори технологияли ва кўп илмий изланишлар талаб қилган маҳсулотларгача бўлган экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг тармоқ ва ички тармоқ тузилмасини такомиллаштириш;

-интеллектуал мулкчилик объектларини лицензиялари савдоси, “ноу-хау” туридаги техник-тижорат сирлари, инжиниринг ва лизинг соҳасида хизматлар кўрсатиш каби экспорт турларини ривожлантириш йўли билан жаҳон хўжалик оборотига миллий илмий-техник ютуқларини жалб қилиш;

-амалий фанлар ва технология трансферти соҳаларида илмий ишланмаларга бозор тусини бериш мақсадида инновацияни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш, инновация жараёнини давлат ва тижорат орқали қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштиришнинг асосий мақбул йўллари аниқлаш ва илмий-техник ишланмаларни тижоратда муҳим натижалар олиш даражасига етказиш;

-чет мамлакатларнинг ташкилотлари ва фирмалари билан юқори даражадаги маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, тижоратлаштириш ва менежментт технологияси соҳасидаги илғор ютуқларни ўрганиш ва қўллаш, конъюнктура бўйича хорижий бозорлар тўғрисидаги маълумотларни ва шериклар ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсатини ўрганиш, кооперация бўйича шериклар қидириш, кўшма корхоналар тузишга доир ҳамкорликларининг кенгайтишига эришиш;

Наманган вилоятида тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарган маҳсулотини экспорт қилишини қўллаб-қувватлаш учун қуйидагиларни амалга оширишни таклиф этамиз:

а) экспорт қилувчиларга бозордагидан паст ставкаларда кредит бериш, тижорат банкларининг экспорт кредити, шу жумладан ишлаб чиқарувчиларнинг айланма маблағлари асосида халқаро тендерларда иштирок этиш учун давлат кафолати бериш;

б) экспортни, хусусан узоқ давр мобайнида тайёрланадиган юқори технологик маҳсулотни давлат йўли билан кредитлаш тизимини ривожлантириш, бу одатда жаҳон бозорида қиймати бўлиб-бўлиб тўланадиган машина ва қурилмаларни экспорт қилишни рағбатлантиради;

в) экспортга ишлаётган тадбиркорлар фаолиятларини рағбатлантириш учун солиқ солишни такомиллаштириш зарур.

г) ўзбек экспорт қилувчиларига нисбатан хорижий мамлакатлар норезидентлари учун умумий бўлган савдо ва валюта тартибини уларнинг ҳуқуқини поймол қилувчи ҳеч қандай чеклашларсиз қўлланишига эришиш.

2.2. Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни бугунги ҳолати.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2014 йил 18 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида белгилаб берилган «2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари» бўйича вазифаларни амалга оширилиши, шунингдек, Хукумат томонидан қабул қарорлар ва дастурларда белгиланган параметрларни вилоятда ижросини таъминланиши ҳисобига 2014 йил январ-декабр ойлари якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Хусусан, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар

натижасида ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг (ЯҲМ)
ўсиш суръати 10,3 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,5 фоизга, қишлоқ

2.1-жадвал

Вилоятда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари тўғрисида (2015 йил 1 январ ҳолатига)

Худудлар	Жами рўйхатдан ўтган корхоналар	Фаолият кўрсатаётган корхоналар	Фаолият кўрсатмаётган корхоналар	Янги ташкил этилган корхоналар	Тугатилган корхоналар
Вилоят бўйича	15122	13080	2042	1497	882
Наманган ш.	6139	5238	901	618	430
Мингбулоқ	488	456	32	50	36
Косонсой	884	744	140	66	81
Наманган	1150	1036	114	112	39
Норин	525	498	27	90	31
Поп	983	866	117	74	16
Тўрақўрғон	902	777	125	100	40
Уйчи	702	627	75	78	45
Учқўрғон	778	668	110	53	54
Чортоқ	647	524	123	75	41
Чуст	1309	1061	248	137	41
Янгиқўрғон	615	585	30	44	28

Манба: Жадвал талаба томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

хўжалиги 8,5 фоизга, капитал қўйилмалар 34,3 фоизга, қурилиш ишлари 11,0 фоиз, чакана савдо айланмаси 12,9 фоиз ва пуллик хизмат кўрсатиш хажми 17,7 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улушини йилдан-йилга ортиб боришга эришилмоқда. 2014 йил якуни билан кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотигадаги улуши 79,7 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2013 йил якуни билан 79,5 фоизни ташкил этган. Вилоятда 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига жами 15122 та кичик бизнес субъектлари (*фермер хўжаликларисиз*) рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2014 йилнинг 1 январига нисбатан 104,7 фоизга кўпайган.

Хусусан, кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушини таҳлил қилинганда соҳанинг саноат маҳсулотларидаги улушини 2013 йилда 48,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йил якуни билан ушбу кўрсаткич 0,7 пунктга ортиб, 49,5 фоизни ташкил этди. Туманлар бўйича кўрадиган бўлсак, 2014 йил якуни билан ушбу кўрсаткич Чортоқ туманида (90,4 %) энг юқори ва Мингбулоқ туманида (13,2 %) энг паст бўлган.

Вилоятдаги кичик бизнес субъектларининг 13080 таси фаолият кўрсатаётган бўлиб, 2042 таси фаолият кўрсатмаяпти бу жамига нисбатан 13,5 фоизни ташкил этади.

Фаолиятсиз кичик бизнес субъектларини фаолиятини тиклаш ёки тугатиш бўйича вилоятда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлиб, ҳисобот даврида 47 та субъектлар фаолияти тикланиб, уларда 190 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 882 та субъектлар фаолияти тугатилди.

2.2-жадвал

Вилоятда 2014 йил якунида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши

№	Шаҳар ва туманлар номи	Ялп и худудий маҳсулот	Саноат маҳсулотлари	Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти	Қурилиш ишлари	Чакан а савдо айланмаси	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	Жами хизматлар
1	Вилоят бўйича	79,7	49,5	99,1	87,9	45,7	54,5	66,7
2	Наманган ш	х	63,7	99,2	86,1	53,6	47,9	62,9
3	Мингбулоқ	х	13,2	99,4	79,5	34,3	55,6	67
4	Косонсой	х	68,9	97,8	95,3	55,2	62,1	98,6
5	Наманган	х	69,2	98,5	99,3	59,4	72,4	74,4
6	Норин	х	61,7	99,0	99,2	37,2	71,6	76,4
7	Поп	х	15,8	99,3	86,8	51,4	64,8	79,7
8	Тўрақўрғон	х	23,4	99,4	97,2	27,3	65,3	57,9
9	Уйчи	х	63,9	98,1	94,5	49,7	66,3	80,6
10	Учқўрғон	х	21,3	97,4	95,3	39,1	53,1	58
11	Чортоқ	х	90,4	99,3	96,3	67,2	55,8	60,5
12	Чуст	х	48,8	99,7	94,7	24,3	72,4	67,8
13	Янгиқўрғон	х	61,1	99,6	92,4	45,9	59,5	85,5

Манба: Жадвал талаба томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Кичик бизнеснинг иқтисодий тармоқларидаги улушни таҳлил қилинганда соҳанинг қишлоқ хўжалигидаги улуши 99,1 % (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан +0,1 пункт кўп), қурилиш ишларида 87,9 % (+0,1), чакана савдода 45,7% (+0,9), жами хизматда 63,2 % (+0,8) ни ташкил этди.

2014 йил якуни билан кичик корхоналар тононидан экспортга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,6 фоизга ошиб, 56,1 млн.долларни ташкил этди. Бунинг натижасида вилоят экспортидаги кичик бизнес субъектларининг улуши мос равишда 48,1 фоиздан 60,3 фоизга кўпайди.

2.3-жадвал

Вилоятда 2014 йил якунида кичик бизнес субъектларининг экспорти ва импорти

	Шаҳар ва туманлар номи	Экспорт, минг АҚШ долл.	2013 йилга нисбатан % ҳисобида	Импорт, минг АҚШ долл.	2013 йилга нисбатан % ҳисобида
	Вилоят бўйича	71060,0	115,6	90115,3	104,4
1	Наманган ш	18308,0	101,3	43663,1	106,4
2	Мингбулоқ	188,5	124,7	15,0	102,1
3	Косонсой	1208,3	114,8	3410,1	107,6
4	Наманган	11567,9	107,6	21817,6	100,4
5	Норин	438,9	283,7	619,6	106,7
6	Поп	1053,9	262,1	1138,1	112,5
7	Тўрақўрғон	744,6	158,6	2117,5	103,9
8	Уйчи	10732,4	105,6	10565,4	101,4
9	Учқўрғон	766,5	6175,5	428,4	124,3
10	Чортоқ	2269,5	243,7	1898,2	105,3
11	Чуст	9096,9	252,3	2821,0	103,1
12	Янгиқўрғон	14684,7	1823,2	1621,4	115,8

Манба: Жадвал талаба томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган

Ҳисобот даврида кичик бизнес субъектлари томонидан 25426 та янги иш ўринлари яратилиб, кичик бизнес соҳасида банд бўлганлар сони 728,4 минг кишига етди (иқтисодиётда банд аҳолининг 81,8 фоизи).

Вилоятида VII - Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномаларнинг 2014 йил якуни билан бажарилиши тўғрисида

Вилоятда “VII-Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси”да вилоятдаги 11 та корхона томонидан ички бозордан кооперация асосида маҳсулот сотиб олиш бўйича 21,0 млрд. сўмлик ҳамда 15 та корхона томонидан маҳсулотларни экспортга чиқариш бўйича 21,0 млн.долларлик шартномалар имзоланиб, ижроси бўйича назорат ўрнатилган.

Мазкур шартномаларга асосан 2014 йил якуни билан ички кооперация асосида 22,2 млрд.сўмлик (режага нисбатан 105,6%) маҳсулотлар сотиб олинган ва экспорт шартномаларига асосан 36,9 млн.долларлик (174,8 %) маҳсулотлар четга чиқарилган.

Жумладан, Наманган шаҳридаги “Супер Лайн” МЧЖ корхонаси Наманган шаҳридаги "Мехмаш" ОАЖ корхонаси билан тузган шартномага асосан 1503,0 млн.сўмлик пўлат трубалар, Косонсой туманидаги “Косонсой тўқимачи” МЧЖ корхонаси Навоий вилоятидаги “Навоиазот” ОАЖ корхонасидан 1886,9 млн.сўмлик нитрон толалари сотиб олинган.

Экспорт шартномаларига асосан, Чуст туманида “Форт Про Импекс” МЧЖ (5861,0 минг доллар), Наманган шаҳридаги “Само текстил сервис” МЧЖ (2287,0 минг доллар), “Жаҳон Метал Сервис” МЧЖ (156,1 минг доллар), Наманган туманидаги “Аиша Хоум Текстил” ҚК (1573,0 минг доллар) каби корхоналари томонидан маҳсулотлар экспортга чиқарилган.

2.4-жадвал												
Вилоятда 2014 йилда кичик бизнес субъектлари фаолияти таҳлили (фермер хўжаликларисиз)												
	Шаҳар ва туманлар номи	Жам и кичик бизнес субъектлари, бирлик	шу жумладан,		шундан		Экспорт, минг АҚШ долл. (жисмоний шахслардан ташқари)	2013 йилга нисбатан % ҳисобида	Импорт, минг АҚШ долл. (жисмоний шахслардан ташқари)	2013 йилга нисбатан % ҳисобида	Ишлаётган ҳодимлар сони, (минг киши)	Кичик бизнес субъектлари ҳисобига барпо этилган ишчи ўрни, жой
			Фаолият кўрсаткичи, бирлик	Фаолият кўрсаткичи, бирлик	Ҳисобот даврида ишга тушурилгани	Ҳисобот даврида тугатилгани						
	Вилоят бўйича	15122	13080	2042	1497	882	56051,7	115,6	90115,3	104,4	728,4	25426
	Наманган ш.	6139	5238	901	618	430	13987,0	104,9	43663,1	106,4	116,1	4954
	Мингбулоқ	488	456	32	50	36	188,5	134,7	15,0	102,1	55,2	1676
	Косонсой	884	744	140	66	81	1208,3	108,6	3410,1	107,6	57,3	1845
	Наманган	1150	1036	114	112	39	2421,7	124,3	21817,6	100,4	53,4	1765
	Норин	525	498	27	90	31	438,9	185,3	619,6	106,7	41,9	1970
	Поп	983	866	117	74	16	1053,9	117,5	1138,1	112,5	60,8	2340
	Тўрақўрғон	902	777	125	100	40	744,6	128,9	2117,5	103,9	48,1	1452
	Уйчи	702	627	75	78	45	5191,3	142,3	10565,4	101,4	67,2	1928
	Учқўрғон	778	668	110	53	54	766,5	102,3	428,4	124,3	73,0	1541
0	Чортоқ	647	524	123	75	41	2269,5	114,1	1898,2	105,3	43,9	1609
1	Чуст	1309	1061	248	137	41	8096,9	110,7	2821,0	103,1	62,8	2060
2	Янгиқўрғон	615	585	30	44	28	19684,7	33,0 м.	1621,4	115,8	48,7	2286

Манба: Жадвал талаба томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган

2.3. Наманган вилоятида хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш масалалари.

Наманган вилоятида 2011-2014 йиллар давомида хусусий мулкчиликни ва хусусий тадбиркорликни риовжлантириш йўлидаги тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, бу борада тўлиқ эркинлик бериш ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича 25 та Қонун, 40 та Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вазирлик ва идораларнинг 150 та меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат рўйхатидан ўтишни соддалаштириш, шу билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартириш, солиқ юки ва аралашувини камайтириш, рухстаном ва лицензия олинадиган фаолият турларини кескин камайишига шароит яратган.

Натижада, кейинги беш йил давомида вилоятда 9373 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг жами сони 2015 йил 1 январ ҳолатига 15,1 мингга (фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳисобга олинмаган ҳолда) ташкил этган.

Кичик бизнес субъектларининг улуши саноат, хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларида салмоқли ўрин эгалламоқда.

2011 йилда вилоятда кичик бизнес субъектлари томонидан 64 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, 2014 йилга келиб улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 25 турга кўпайиб, ҳозирда 89 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 2014 йилда 1,0 трлн сўмдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 2011 йилга нисбатан 2,4 мартага ортиган.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳолати*

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2013 й. якуни, ҳақиқатда	2014 йил якуни		2013 й. якунига нисбатан %да	2015 йил 1-чорак якунида кутилади	
				прогноз	ҳақиқатда		прогно оз	2014 йил 1-чоракка нисб.ўсиш суръати, %
1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони	бирлик	14447	15050	15122	105,8	15470	104,6
	<i>шундан:</i>							
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	12292	13000	13080	107,4	13420	106,7
	Фаолият кўрсатмаётгани	минг киши	2155,0	2050,0	2042,0	96,7	2050,0	92,4
	ҳисобот даврида ўз фаолиятини тўхтатганлари	бирлик	1548	650	882	43,1	155	155,0
	<i>шу жумладан:</i>							
2.	Кичик корхоналари сони	бирлик	1452	1450	1454	100,1	1481	105,7
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	1385	1390	1393	100,6	1426	103,2
	Фаолият кўрсатмаётгани	минг киши	67,0	60,0	61,0	91,0	55,0	92,1
	ҳисобот даврида ўз фаолиятини тўхтатганлари	бирлик	155	120	123	79,4	28	82,1
3.	Микрофирмалар сони	бирлик	12995	13600	13833	106,4	13989	112,4
	Фаолият кўрсатаётгани	бирлик	10907	11610	11811	108,3	11994	114,5
	Фаолият кўрсатмаётгани	минг киши	2088,0	1990,0	2022,0	96,8	1995,0	95,3
	ҳисобот даврида ўз фаолиятини тўхтатганлари	бирлик	1393	530	544	39,1	127	87,9

4.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши							
	- ЯХМ даги улуши	%	79,5	79,7	79,7	x	70,5	x
	- Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	млн.сўм	795244,8	856900,0	856920,0	107,8	162500,0	106,3
	жами саноатдаги улуши	%	48,8	49,0	49,5	x	43,7	x
	- Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми	млн.сўм	2409744,0	2450000,0	2486900,0	103,2	175000,0	107,4
	қишлоқ хўжалигидаги улуши	%	99,0	99,1	99,1	x	99,3	x
	- Қурилиш ишлари ҳажми	млн.сўм	672197,5	685000,0	685320,0	102,0	82000,0	102,6
	қурилишдаги улуши	%	87,8	87,9	87,9	x	89,5	x
	- Чакана савдо ҳажми	млн.сўм	1318849,2	1425000,0	1425300,0	108,1	350000,0	104,2
	чакана савдодаги улуши	%	44,8	45,7	45,7	x	46,8	x
	- Жами хизмат кўрсатиш ҳажми	млн.сўм	1773353,2	182000,0	1820630,0	102,7	365000,0	110,5
	жами хизмат кўрсатишдаги улуши	%	63,5	66,5	66,7	x	67,2	x
5.	Иктисодиётда бандликдаги кичик бизнеснинг улуши	%	81,4	81,8	81,8	x	81,9	x
6.	Кичик бизнесда маҳсулот экспортининг ҳажми	млн.долл.	48,5	55,0	56,1	115,6	12,3	106,4
7.	Кичик бизнесда маҳсулот импортининг ҳажми	млн долл.	86,3	90,0	90,1	104,4	16,7	108,1
8.	Ҳудуд экспортида КК ва микрофирмалар салмоғи	%	48,1	49,0	49,7	x	42,3	x
9.	Ҳудуд импортида КК ва микрофирмалар салмоғи	%	58,5	60,0	60,3	x	52,4	x
10.	Кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган янги ишчи ўринлари	бирлик	23858	25000	25426	106,6	5300	101,4
11.	1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъеклари сони	бирлик	10	11	11	101,0	11	102,3

*) Фермер хўжаликларсиз

Манба: Жадвал талаба томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган

Сўнг 5 йил давомида соҳада 162,7 мингта янги иш ўринлари яратилиб, бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 80,0 фоизи айнан кичик бизнес субъектларига тўғри келади.

Улар томонидан 2014 йилнинг ўзида 4,8 млрд.сўмлик моддий неъматлар яратилди ва бу вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб 80,0 фоизини ташкил этган.

Вилоятнинг Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Чуст ва Косонсой туманиларида тадбиркорлик соҳасининг саноат, хизмат кўрсатиш ва миллий хунармандчилик тармоқлари кенг ривожланиб бормоқда.

Мисол учун, Наманган туманида “Истиклол текстил дизайн”, Уйчи туманида “Экстра пример бат”, Тўрақўрғон туманида “Дилрабо СДА”, Чуст туманида “Чуст текстил” ва Косонсой туманида “Баркас текс” корхоналари самарали фаолият юритиб, бу корхоналарда асосан коллежни тамомлаган ёшларимиз меҳнат қилмоқда ҳамда уларнинг тайёр маҳсулотлари асосан экспортга йўналтирилган.

2011-2014 йиллар давомида кичик бизнес субъектларига вилоятда 150 дан ортиқ давлат мулки объектлари хусусийлаштириб берилди ва шунинг ҳисобига 3200 дан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилган.

Хусусан, 2014 йилда кичик бизнес субъектларига умумий қиймати 2,5 миллиард сўмлик 23 давлат активлари сотилди, фойдаланилмаётган 1200 та давлат мулки объектлари яъни, 172,0 минг кв.метр майдон ижарага берилган. Шунинг ҳисобига 3500 та янги иш ўринлари яратилган.

Тижорат банклари томонидан 2014 йилнинг ўзида 386,4 млрд сўм миқдорида банк кредитлар ажатилиб, бу аввалги йилга нисбатан 1,3 баробар ортган.

Бундан ташқари, қайта молиялаштириш ставкасининг 2011 йилдаги 14,0 фоиздан 9,0 фоизга туширилиши ҳам кичик бизнес субъектларининг банк кредит фоизлари учун йўналтириладиган маблағларни тежалиши ҳисобига уларнинг айланма маблағларининг кўпайишига имкон яратилган.

Наманган вилоятида кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар млн.сўм. 2015 йил 1 январ ҳолатига

	Шаҳар ва туманлар	Кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар млн.сўм	шу жумладан		Хорижий кредитларни ўзлаштириш	
			қисқа муддатли	узоқ муддатли	минг АҚШ долл	минг Евро
	Вилоят бўйича	386363,5	119772,7	266590,8	-	-
	Наманган ш.	220928,9	68488,0	152441,0	-	-
	Мингбулоқ	11965,5	3709,3	8256,2	-	-
	Косонсой	13188,7	4088,5	9100,2	-	-
	Наманган	13081,6	4055,3	9026,3	-	-
	Норин	11117,2	3446,3	7670,9	-	-
	Поп	17223,8	5339,4	11884,4	-	-
	Тўрақўрғон	15054,0	4666,7	10387,3	-	-
	Уйчи	14050,0	4355,5	9694,5	-	-
	Учқўрғон	20770,2	6438,8	14331,4	-	-
0	Чортоқ	16341,7	5065,9	11275,8	-	-
1	Чуст	18129,5	5620,1	12509,3	-	-
2	Янгиқўрғон	14512,5	4498,9	10013,6	-	-

Манба: Жадвал талаба томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган

Солиқ соҳасида берилган имтиёзлар ҳисобига 2011-2014 йиллар мобайнида 67,5 млрд.сўм маблағлар тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қолди. Бу маблағлар корхоналар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва модернизация ишларига йўналтирмоқда.

Берилган имкониятларнинг яна бир самараси натижасида кичик бизнес субъектлари томонидан биржа савдолари орқали сотган ўз маҳсулотлари ҳажми 1,7 баробар ошган.

Кичик бизнес субъектларидан электрон савдолари орқали амалга оширилган давлат харидлари ҳажми 97,0 фоизини ташкил этди. Савдоларда қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат ва мебель маҳсулотлари асосий салмоғини ташкил қилган.

Кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида яратилган имкониятлар натижасида 2014 йилда улар томонидан 54,5 млн долларлик, 42 турдаги товар ва хизматлар экспорти амалга оширилган. Бу эса вилоят экспортининг 48,6 фоизини ташкил этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёзлар

	Имтиёзнинг мазмуни	Асос
Солиқ бўйича		
	Ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли Қарори "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан озод этилган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли Қарори "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"
	2012 йилнинг 1 январидан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августда ПФ-4354 сонли Фармони "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"
	Асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашадиган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтирган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли Қарор «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»
	Гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари божхона тўловлари тўлашдан озод қилинган.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли Қарор «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

	Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини бажарувчи корхоналар солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сонли Қарор "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"
	Янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки 3 йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги белгиланган.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сонли Фармони "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"
	Солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланиши белгиланган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сонли Фармони "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"
	2011 йилнинг 1 июнидан янги ташкил этилаётган масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун устав жамғармасининг миқдори амалдаги энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан қирқ бараварига туширилди	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529-сонли Фармони "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"
0	2013 йилдан эътиборан 12 турдаги солиқ ҳисоботларини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармони "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"
1	2013 йил 1 январдан бошлаб, давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладаган 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотларни бирлаштириб, 5 тага туширилиши белгилаб қўйилди	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармони "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"

2	2013-йил 1 январдан бошлаб, қўшимча фойда солиғидан ташқари, барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинади.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармони "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"
3	электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калити сертификатини бериш бўйича хизматлар ҳақи миқдори 20 фоиздан 10 фоизга пасайтирилди	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли Фармони "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"
4	Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларидан озод қилинган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048 сонли Қарори "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тўғрисида"
5	Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўловидан озод қилинган.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048 сонли Қарори "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тўғрисида"
6	Маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилин	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048 сонли Қарори "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тўғрисида"
7	Эркин алмаштириладиган валютага сотилган экспорт улуши 80 фоиз ва ундан юқори бўлган тўқимачилик саноати корхоналари 1 январ 2016 йилга қадар мулк солиғидан озод қилинган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги ПҚ-1512-сонли Қарори "Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"

8	2011 йилнинг 1 октябридан солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмга камайтиради	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августда ПФ-4354 сонли Фармони “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
9	Кичик корхоналар текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқига эга бўлди	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августда ПФ-4354 сонли Фармони “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
Статистика бўйича		
	2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган енгилсаноат, озиқ-овқат, қурилиш материаллари соҳасида кичик корхоналар ишчиларининг чекланган ўртача йиллик сонини 200 тагача белгиланди.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609 сонли Фармони "Ўзбекистон республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"
	Кичик корхона ва микрофирмалар статистик ҳисоботларни бир йилда бир марта, фермерлар икки марта топшириш белгиланди.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июндаги ПФ-4453 сонли Фармони “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”
	Тадбиркорлик субъектлари томондан тақдим этиладиган статистик ҳисобот шакли аввал 210 та бўлган бўлса, ҳозирда 125 тани ташкил этади.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июндаги ПФ-4453 сонли Фармони “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”
	Тадбиркорлик субъектлари томондан тақдим этиладиган ҳисоботлар тўлиқ электрон ақлда тақдим этиш йўлга қўйилди.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июндаги ПФ-4453 сонли Фармони “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”

	2012 йил 1 августидан бошлаб фирма номлари бўйича интернет орқали келиб тушган аризаларни 4 иш соати давомида кечаю-кундуз кўриб чиқиш амалиётга жорий этилди	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли Фармони "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"
	Кичик корхоналар фаолият юритадиган 44 та соҳаларда йилик ишчилар сони 50 тадан 100 гача кўпайтирилди.	2011 йил 12 майдаги ПФ-1529 сонли Қарори "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"
	2014 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми, яъни электрон рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилди	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги ВМ-312 сонли Қарори "Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"
	Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияларига тўланадиган давлат божининг миқдори ойлик иш ҳақининг бир баробарига тенглиги белгиланди	2011 йил 12 майдаги ПФ-1529 сонли Қарори "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"
	Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналардан ташқари, қолган барча тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишда таъсис ҳужжатларини нотариал тасдиқланган бўлиши лозимлигига қўйилган талаб бекор қилинди	2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529-сон Қарори "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш ва ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"
0	2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундиришни бекор қилинди	2011 йил 24 августда ПФ-4354 сонли Фармони "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"
1	тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддатини уч банк кунидан ошмаслиги белгиланди	2011 йил 24 августда ПФ-4354 сонли Фармони "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"

Манба: Жадвал талаба томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган

Наманган вилоятида 2015 йилда тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга оширилади:

1) Ўз.Р.Президентининг 2011 йил 7 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган тадбирлар-дастури тўғрисида”ги ПҚ-1464-сонли қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жойларда ишчи гуруҳлар томонидан ҳафтанинг ҳар жума куни “Тадбиркорлар куни” тадбирида билдирилган муаммоли масалаларни белгиланган муддатларда ижросини таъминлаш орқали соғлом тадбиркорлик муҳитини шакллантириш ишларини янада кучайтирилади

2) Мингбулоқ, Норин ва Поп туманларида экспорт ҳажмининг пастлиги ҳисобга олиб, ушбу ҳудудларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга йўналтириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар кўрилади.

3) Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашни давом эттирган ҳолда кейинги 5 йил мобайнида вилоят бўйича жами 10470 та янги кичик бизнес корхоналари ташкил этиб, уларнинг сонини 2020 йилга бориб 22450 тага етказилади.

4) 2015-2016 йилларда 117 давлат мулки объектлари, шу жумладан 45 та объект нол қийматида кичик бизнес субъектларига берилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида 30,0 млрд.сўмдан ортиқ инвестиция киритилишини ва 3000 тага яқин иш ўринлари яратилишини таъминланади.

5) 2015 йилда 370 та фаолиятсиз, кам қувватли корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳисобига 66,7 млрд.сўмлик инвестиция ўзлаштирилиши, 1,1 млн долларлик экспорт амаллари бажарилиши ҳамда 4505 янги иш ўринлари яратилиши белгилаб олинган.

Шунингдек, кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2015 йилда 50,2 фоиздан 2020 йилга бориб 57,8 фоизга оширади.

Натижада ялпи ҳудудий маҳсулотдаги кичик бизнес субъектларининг улуши 2015 йилда 80,0 фоиздан 2020 йилга бориб, 83,2 фоизга ўсиши таъминлади.

Виоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги “Давлат тасарруфидаги мулкларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2200-сонли қарорининг 6-банди 2-хатбошидаги топшириққа асосан қарорнинг 4-иловасидаги келтирилган ер участкалари негизида ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Шунга кўра, вилоятнинг Наманган шаҳар ва Тўрақўрғон туманларидаги бўш турган ҳудудларда амалга оширилиши режалаштирилаётган жами 21 та лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилиб, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, "Ергеодезкадастр" Давлат қўмитаси ҳамда Архитектура ва қурилиш Давлат қўмитаси билан келишилган.

Қарор асосида 21 та лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 5,8 млрд.сўм миқдорида маблағлар сарфланиши ҳисобига 451 та янги иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Шундан, Наманган шаҳрининг "Натурал инвест" МЧЖ ҳудудида 7 та, "Наманганагромаш" ОАЖ ҳудудида 1 та, Собиқ "Шифо ЛТД" МЧЖ ҳудудида 3 та, жами 11 та ҳамда Тўрақўрғон туманининг Собиқ "148-ХМКК" МЧЖ ҳудудида 2 та, Собиқ "Дехқонмаштаъминот" ОАЖ ҳудудида 8 та, жами 10 та лойиҳаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш режалаштирилган.

Ишга туширилиши белгиланган лойиҳаларни йиллар бўйича қўрилганда 2014 йилда 6 та ва 2015 йилда 15 та лойиҳалар амалга оширилади.

Жорий йилда Наманган шаҳридаги "Натурал инвест" МЧЖ ҳудудида 5 та ҳамда Собиқ "Шифо ЛТД" МЧЖ ҳудудида 1 та лойиҳаларни амалга

ошириш белгиланган бўлиб, хозирга қадар мазкур лойихаларни ишга тушириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Хусусан, "Натурал инвест" МЧЖ ҳамда Собик "Шифо ЛТД" МЧЖ ҳудудидаги 6 та лойихалар тўлиқ ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиб, 493,0 млн.сўм миқдорида маблағлар ўзлаштирилиши ҳисобига 100 та янги иш ўринлари яратилди.

2015 йилда қарор асосида Наманган шаҳрининг "Натурал инвест" МЧЖ ер майдони ҳудудида 2 та (лойиха қиймати 240,0 млн.сўм ва 20 та иш ўрни), "Наманганагромаш" ОАЖ ҳудудидаги ер майдонида 1 та (644,0 млн.сўм ва 110 та иш ўрни) ҳамда Собик "Шифо ЛТД" МЧЖ ер майдонида 2 та (262,0 млн.сўм ва 22 та иш ўрни) ҳамда Тўрақўрғон туманидаги Собик "148-ХМКК" МЧЖ ҳудудида 2 та (1400,0 млн.сўм ва 65 та иш ўрни) ва Собик "Деҳқонмаштаъминот" ОАЖ ҳудудида 8 та (2751,0 млн.сўм ва 65 та иш ўрни) лойихаларни амалга оширилади.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 192-сонли қарорининг 5-илоvasида келтирилган ер участкалари негизда ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш бўйича Поп туманида "Узрубериод" АЖ ҳудудидаги бўш турган ер майдонида умумий қиймати 700,0 млн.сўмлик 10 та қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойихаларни амалга ошириш ва натижада 80 та янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

Юқоридаги ҳудудларнинг бўш турган ер майдонида ишлаб чиқариш бўйича лойихаларни амалга оширилиши бўйича лойиха смета ҳужжатлари тўлиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган саноат зоналари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш мақсадида Наманган шаҳри, Поп ва Тўрақўрғон туманларида 1 тадан ягона дирекциялар (уларда ишловчилар сони 4 та) ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

2.8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200-сонли қарорининг 4-иловасида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 192 - сонли қарорининг 5-иловасида келтирилган ер участкалари негизида ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш лойиҳалари						
Худудлар	Жами саноат зоналари	шу жумладан		Ташкил этиладиган дирекциялар сони		Дирекцияларда ишловчилар сони
		ПҚ-2200-сонли қарорга асосан	192-сонли ВМҚ асосида	дирекциялар	ягона дирекциялар	
Вилоят бўйича	6	5	1		3	4
Наманган шаҳри	3	3			1	2
Тўрақўрғон тумани	2	2			1	1
Поп тумани	1		1		1	1

Манба: Жадвал талаба томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган

Иш жойларининг салмоқли қисми яъни **43,6** фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига (**33031 та**) яратилган.

Жумладан;

- йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш (инвестиция, ҳудудий ва локализация дастурлари) ҳисобига 4995 та ;

- кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига 24490 та

- яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 8541 та ;

- касаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш ҳисобига 28589 та, шундан, иш ўринлари саноат, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларининг йирик ва кичик корхоналарида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 5500 та;

- фермер хўжаликларида паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, полиз экинлари ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ва қайта ишлашга мўлжалланган ихтисослашган иссиқхоналар ташкил этиш ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш ҳисобига 3212 та;

- автомобиль йўллари, электр, сув ва газ таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш, ижтимоий ва бозор инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш ҳисобига 5321 та;

- вақтинчалик ишламаётган корхоналар, шу жумладан тижорат банклари балансига берилган банкрот корхоналарнинг фаолиятини тиклаш бўйича чоралар кўриш натижасида 1220 та янги иш ўринлари яратилди.

Ш.боб. Давлат томонидан хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг истиқбол йўналишлари

3.1. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ривожланган давлатлар тажрибаси.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда хусусий корхоналарни вужудга келиши ва муваффиқиятли хўжалик юритиши давлат ёрдами воситасида таъминланади. Уларда бу соҳада жуда катта ижобий тажриба тўпланган, ундан бизнинг шароитларимиз ва хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда фойланиш ижобий натижаларга олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналар сонини ўсишига қарамай, уларнинг етарли даражасига эришилгани йўқ, яъни Европа иттифоқи давлатларида аҳолининг ҳар 1000 кишисига 30 дан ортиқ кичик ва хусусий корхоналар тўғри келса, республикамизда бу кўрсаткич ўртача 9 тани ташкил этади. МДХ ва Ғарб мамлакатлари етакчи мутахассисларининг баҳолашига кўра, бизнинг иқтисодиётимиз самарали амал қилиши учун аҳолининг ҳар 70-80 кишисига битта ташкилий бирлик тўғри келиши лозим.

АҚШда 1953 йилдаёқ бутун мамлакат бўйича вакилларни кенг тармоғига эга кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият ташкил этилган эди. Унда 3 мингдан ортиқ ходимлар хизмат қиладилар. Ҳуқуқий қўмиталар (30-40 кишидан иборат) ҳар бир штатда ташкил этган.

Бу ташкилот фаолиятининг асосий йўналиши шахсий ишнинг очиқ ва олиб боришда ёрдам бериш, кичик бизнесга кредитлар ва қафолатган қарзлар беришдан иборат. Шу билан бирга, хусусий секторга кўмаклашиш, молиялаштириш ва кредитлаш, турли хил маълумотлар бериш, тадбиркорлар малакасини оширишдан иборат. (SBA) маъмурият 45 миллиард долларлик бюджетга эгадир ва уни фаолиятини мамлакат президенти назорат қилади. АҚШда кичик бизнес субъектларининг улуши қарийб 55 фоиздир. Мамлакат ишчи кучининг учдан икки қисми ушбу секторда банд.

АҚШда кичик корхоналар солиқ имтиёзларидан фойдаланмайдилар, аммо субсидиялар, дотациялар, молиявий кафолатлар билан қўллаб-қувватланадилар. Бунинг натижасида кичик корхоналарнинг улуши ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини кейинги 40 йил мобайнидан 10 фоиздан 52 фоизга ўсди.

АҚШ иқтисодиётини юқори жаражада ривожланганли туфайли бу ердаги кичик корхоналар ҳам бошқа мамлакатлардагига нисбатан йирик корхоналар сифатида намоён бўлади. Алоҳида тармоқларда, масалан, чакана савдо соҳасида кейинги уч молиявий йил давомида ўртача йиллик даромади 5 млн. АҚШ долларида ошмаган корхоналар кичик корхона ҳисобланса, кишлоқ хўжалигида 500 минг АҚШ долларида ошмаган корхоналар кичик корхоналар деб эътироф этилади.¹¹

Ривожланган давлатларда кичик корхоналарнинг энг муҳим вазифаларидан бири – иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ҳисобланади. Бу борада АҚШнинг кичик тўғрисидаги қонунида қуйидагича билгиланади: “Хусусий тадбирорлик америкача тизмининг моҳияти бўлиб, эркин рақобат ҳисобланади. Фақат тўла ва эркин рақобатгина эркин бозорни, тадбиркорликка бўлган эркин имкониятни, шахсий ташаббус ҳамда қарашларни намоён этиш ва ривожлантириш учун имкониятни кафолатлаш мумкин. Бундай равобатни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш нафақат иқтисодий фаровонликни, балки мамлакат хавфсизлигини ҳам асосини ташкил этади. Хавфсизлик ва фаровонлик эса, кичик бизнеснинг мавжуд ва потенциал имкониятларини ривожлантирмай ва рағбатлантирмай туриб таъминлаш мумкин эмас”.¹²

Японияда ҳам кичик бизнесга жуда катта эътибор берилади. Японияда ҳар 10 та корхонанинг 9 таси кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобланади. Унинг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши 52-558 фоизни ташкил этади

¹¹ Курманбаева Ф., Пугач И. И др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы. Экономическое обозрение. №3, 2002 год, 13 июн.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес кўрсаткичлари

Мамлакат	КЎК сони, минг	Ҳар минг киши аҳолига КЎК соин	КЎКда банд бўлганлар сони, минг	КЎКни умумий бандликдаги улуши, фоиз	Кичик бизнесни ЯИМдаги улуши, фоиз
АҚШ	193000	74.2	70.2	54	
Европа иттифиқи мамлакатлари	15770	48.0	69.0	73	
Буюк Британия	2630	46.0	13.6	49	
Германия	3690	38.0	18.9	47	50
Италия	3920	16.5	16.3	73	60
Франция	1980	35.0	15.7	55	
Япония	6450	49.6	39.5	78	55
Россия	836.2	5.80	8.9	10.1	

Бу давлатда кичик корхоналарнинг қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги ташкилотлар, уюшма ва марказлар хизмат қилади:

- кичик ва ўрта бизнес бўйича бошқарма;
- кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш бўйича давлат корпорацияси;
- КЎК ассоциациясининг умумяпон федерацияси;
- КЎК умумяпон маркази ва бошқалар.

Шунингдек, кичик бизнесни кредитлаш учун ўнлаб махсус банклар хизмат қилади. Давлат ёрдамида эса имтиёзли солиққа тортиш, тезлаштирилган амортизация, банкрот бўлганда ёрдам бериш, кичик бизнесни техникавий даражасини ўстиришни рағбатлантиришдан иборат.

Японияда кичик корхоналарга 500 дан ортиқ савдо – саноат палаталари ва унинг филиаллари маслахатлар, молиявий ва билим олиш учун ёрдам

¹² У.Гафуров “Кичик бизнес корхоналари салмоғини оширишнинг айрим йўналишлари”. Ўзбекистон

беради. Давлат ёрдамида молиявий асосини кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш махсус фонди – халқ фонди, шунингдек молиявий корпорация ташкил қилади.

Қўллаб-қувватлаш ишларини тижорат банклари ҳам давлат ва ижтимоий фондлар воситачилигида олиб боради.

Ушбу давлатда ҳам кичик давлатларга белгилаб берувчи мезонлар банд бўлган ходимлар сони, низом капитали ҳисобланади. Буни 3.1-жадвалда кўришимиз мумкин. Бу ерда банд бўлганлар сони 300 кишидан ошмаслиги ва низом капитали 100 млн. Иенгача бўлиши лозим.

3.1-жадвал

Японияда кичик корхоналарни белгилаб берувчи мезонлар¹³

Тармоқлар	Низом капитали, млн.иенгача	Банд бўлганлар сони, киши
Қайта ишлаш ва тоғ-кон саноати	100	300
Улгуржи савдо	30	100
Чакана савдо ва хизматлар соҳаси	10	50

Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 190 млрд иена миқдоридаги бюджет маблағлари бу мақсад учун ҳар йилги махсус модда ҳам мавжуд. Бундан ташқари, кичик корхоналар давлат инвестициялари ва қарзлари дастури доирасида махсус бюджет ҳисоб-варақлари бўйича ҳам молияланади. Уларни даромад қисмини пенсия фондлари, почта суғурта фонди, почта омонат кассалари, шунингдек давлат томонидан кафолатланган заёмлар чиқариш ташкил этади.

Давлат маблағларини тақсимлаш Япония ҳукумати томонидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик корпорациясини каби тижорат тузилмалари томонидан бажарилади.

иқтисодий ахборотномаси. №3, 2004 йил, 15-бет.

¹³ Манба: Малый предприятия: организация, экономика, учет, налоги. Под ред. В.Я.Гарфингеля, В.А.Певандора. М.ЮНИТИ, 2009.

Францияда кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳар хил ташкилотлар фаолият олиб боради:

- кичик ва ўрта корхоналар конфедерацияси;
- савдо палатаси;
- хунармандчилик ишлари бўйича палата;
- қишлоқ хўжалиги палатаси;
- инвестицион хавф-хатарни суғурталашнинг француз жамияти;
- бизнесни ташкил қилиш маркази ва бошқалар.

Миллий даражада кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсати давлатнинг топшириғи бўйича ҳаракат қилувчи вазирликлар ва муассасалар томонидан назорат қилинади.

Қуйидаги шаклда молиявий ёрдамлар қўлланилади:

- бошловчилар учун кафолатсиз, фоизсиз қарз (сўз бериш остида қарз);
- 5 йил давомида тўланадиган фоизли қарзлар;
- ишини йўқотган ва бизнесни бошлашни истовчилар учун 32 минг фракгача субсидиялар ажратиш;
- имтиёзли солиққа тортишнинг турли шаклларида фойдаланиш.

Германияда 3.5 млн.дан ориқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари мавжуд бўлиб, уларда иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолини қарийб 75 фоизи машғул. Бу корхоналар мамлакатда ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 50 фоизини етказиб бермоқда. У ерда ишловчилар сони 50 кишигача бўлган, ўртачалари эса ишловчилар сони 50 кишигача ва йиллик обороти 100 млн маркашача бўлган корхоналар киритилади.

Германияда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол молларини қўллаб турларини ишлаб чиқарадиган корхоналар давлат тасарруфидан ҳар томонлама рағбатлантирилади. Улар қишлоқ жойларида цехлар шаклида кичик-кичик ишлаб чиқариш қувватлари сифатида ташкил этилган. Бу давлат ҳам кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлатлар тизими

шаклланган бўлиб, у биринчи галда бу борадаги ҳуқуқий базани яратишга ва тадбиркорларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга асосланади.

Шунингдек, уларни узоқ муддатли кредит ресурсларидан имтиёзли фойдаланиш, имтиёзли солиқ тартибини, ишлаб чиқариш, молиявий, ижтимоий, бозор инфратузилмаларини шакллантириш ҳам пировард натижада иқтисодиётни ана шу тармоғини самарали равожлантиришга хизмат қилади.

Германиянинг Федерал иқтисодиёти вазирлиги кичик корхоналарни ташқи бозорга яна ҳам фаолроқ чиқишларига катта эътибор бермоқда.

Халқаро тажриба корхонанинг фаолияти билан боғлиқ потенциал хавфининг назорат органи томонидан баҳоланиши асосида корхоналарни текшириш учун танлаб олиш энг самарали усул эканлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, бу усул текшириш учун танлаш ва текширишларни даврийлиги хўжалик юритувчи субъект фаолиятларини соғлиғига, атроф-муҳитга ёки мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига потенциал хавф даражасига боғлиқлигини назарда тутаяди.

Германияда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг давлат дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилади. Унга мувофиқ тадбиркорларга фаолиятнинг дастлабки икки йилида фоизсиз кредит берилади. Кейинги йилларда эса жуда паст ставкаларда йиллик фоизлар ундирилади. Шу тариқа, деярли бепул бошланғич сармоя билан таъминланади.

Имтиёзлар давлат ташкилоти томонидан пухта ишлаб чиқилган бизнес режага асосан берилади. Кейинчалик бу ташкилот кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлигини жиддий назорат қилади ва барча ҳаражатлар тегишли ҳисоб-варақлар билан тасдиқланишини талаб қилади. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётганлар кичик корхоналар арзон нархларда қурилиш учун ижарага участкалар олади.

Шуниси муҳимки, бу мамлакатда иқтисодиёт таркибини ўзига хос хусусиятларидан халқни менталитетидан, мавжуд ресурслар ва бошқа

омиллардан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни аниқ мақсадли қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган давлат сиёсати амалга оширилади.

Жанубий Корея саноатида ва транспортда 20 тагача ходим бўлган корхоналар кичик, 21дан 200 кишигача ходими бўлган корхоналар ўрта корхоналар ҳисобланади.

Мамлакатдаги кичик бизнес федерацияси, кичик ва ўрта корхоналар банки, технологияларни суғурта қилиш федерацияси, савдо ва саноат вазирлиги кичик ва ўрта корхоналарни ривожланишига ёрдам беради.

Саноатни ривожлантириш сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш сиёсати соҳасида йирик қонунчилик базаси ташкил қилинган: кичик ва ўрта корхоналарни рағбатлантириш ҳақидаги декрет (1966 йил), кичик ва ўрта корхоналарни субконтракт ишларини рағбатлантириш ҳақидаги қонун (1978 йил), фақат кичик ва ўрта корхона ишлаб чиқарадиган товарлар рўйхатидан (1982 йил), кичик ва ўрта корхоналар ўзаро ёрдам фонди ҳақидаги қоидалар (1984 йил), кичик бизнес бошқарувини тартибга солиш ва модернизация қилиш бўйича декрет (1983 йил) ва бошқалар.

Қўллаб-қувватлаш биринчи галда энг юқори экспорт потенциалига эга бўлган фирмаларга берилади. Шу билан бир вақтда кичик корхоналар йирик кооператив гуруҳларга бирлашган бўлади, улар ҳукумат молиявий, солиқ бўйича ва техникавий ёрдам бериб туради.

Жанубий Кореяда иқтисодий ривожланишини экспертга йўналтирилган стратегияси XX асрни охириги 40 йили мобайнида босқичма-босқич амалга оширилган.

Мазкур стратегия 4 босқичдан иборат бўлиб, барча босқичлар бевосита кичик бизнес фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган. Тўғри иккинчи босқичда (1973-1979 йиллар кичик бизнесни ривожланиши пасайиши кузатилган бўлсада, учинчи ва тўртинчи босқичларда (1980-1990, 1990-2000 йиллар) кичик бизнесни ривожланишига хизмат қилувчи давлат ислохотлари амалга оширилди.

Италияда фирмаларни 93 фоиз қисмини ишловчилар сони 200 кишидан кам бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этади, уларни орасида ишловчилар сони 11 кишидан 50 кишигача бўлган кичик корхоналар 85 фоизни ташкил этади. Бу корхоналар ЯИМни 40 фоиз қисмини ташкил этиб, қишлоқ хўжалигида бандликни 60 фоизи, хизмат кўрсатишда эса 37 фоиз қисмини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда кичик бизнес кўрсаткичлари асосида “Учинчи Италия” мамлакатни маркази ва шарҳини ўз ичига олувчи мантақа пайдо бўлди. Бу ерда тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечак, оёқ кийими, мебель ва керамика ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни аксарият қисми жойлашган.

Италияда, саноат округлари, констелляциялар, гуруҳлар ва тармоқлардан иборат минтақавий кооперативларни кузатишимиз мумкин. Округ бирор мамлакатни ишлаб чиқаришда айрим босқичларга ихтисослашган бир талай кичик корхоналарни бирлаштиради. Корхоналарни тор ҳудудда зич жойлашгани эса уларга инновация ҳолатини яхшилаш, ҳозир жавоблик, хавотирни камайтириш, умумий ҳаражатларни камайтира олиш каби кооперация афзалликларидан фойдаланиш имконини беради. Констелляция – ишлаб чиқаришни ўрта ёки охириги босқичларига ихтисослашган бир неча (5-10) корхоналардан иборат кооперациядир. Уларнинг ичида биттаси етакчи ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш шароитида янги тараққиёт истиқболлари белгиланаётган аниқ ҳаракат мақсадларига эгаллик қилиш имкониятлари туғилган жойларда гуруҳлар пайдо бўлади.

Айниқса, констелляцияларни фойдаси ва самараси юқоридир. Кичик корхоналар бирлашиб олишган кейин ўз муаммоларини ҳал этибгина қолмай, балки ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги бозорларга чиқиш каби масалаларни ҳам ҳал этиш имконига эга бўладилар.

Одатда констелляцияда ишлаб чиқаришни охириги босқичида банд бўлган корхоналар етакчи ҳисобланади, яъни у ишлаб чиқаришдаги

шерикларидан улар ишлаган қисмларини тўплаб, ҳаммасини бир бутун, тугалланган маҳсулот шаклига келтиради ва тайёр маҳсулотни бозорга чиқаради. Асосийси, констиляция кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўзаро фойдали шартлари асосида кўнгилли равишда бирлашиш шаклидир. Гарча унда етакчи фирма мавжуд бўлса ҳам бирлашма ичида бир-бирига каттиқ тобелик йўқ.

Бундан ташқари, Италияда битта йирик саноат корхонаси атрофида, унинг учун ёрдамчи тариқасида ўнлаб, юзлаб кичик корхоналарни юзага келади ва бундан мамлакат иқтисодиёти катта манфаат кўради.

1990 йилда Италияда маъмурий тартиб қоидаларни соддалаштиришга, муддатларни қисқартиришга ва хусусий секторни давлат органлари билан бевосита ўзаро алоқасини камайтиришга қаратилган “Маъмурий тартиб қоидалар тўғрисида”ги (241/90 Қонун) қонуни қабул қилди. “Сукут сақлаш – ризолик аломати” (Silenzio assenso) принципини жорий этилиши соддалаштиришдан бири бўлади. Унга мувофиқ давлат органи ариза берувчини сўровига жавоб бериши керак бўлган муддат билан чекланади. Агар 30 кун мобайнида аризага салбий жавоб берилмаса, ариза берувчи ўзи сўраётган ҳаракат ёки фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Италия ҳукумати “ризолик сақлаш – ризолик аломати” принципи қоидасини 194 маъмурий тартиб қоидаларига жорий этган.

Шу билан бирга Италияда кичик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари орасида мақсадли молиялаш ва имтиёзли кредитлар алоҳида ўрин тутади.

Ҳар йили бунга тахминан 600 млрд лира сарфланади. Кўп ҳолларда бундай молиялаш имтиёзли солиққа тортиш ва кичик корхоналарни бирлаштирадиган консарциум ва ширкатлар каби қўлланилади. Битта консарциум таъминланадиган маблағ миқдори йилига 300 млн лирадан ёки уч йил мобайнида 800 млн лирадан ортиқ бўлмаслиги лозим. Таркибига сармояси 20 млн лирадан кам бўлмаган камида 5 та корхона кирган

бирлашмалар махсус ёрдам кўрсатилади. Бундай уюшмалар асосий вазифаси катнашчилари 40 фоизгача харажатни қоплаш мумкин. Янги корхоналарни ташкил этишда кредитлар 15 йил муддатга, фаолият юритаётган корхоналарни замонавийлаштириш ёки кенгайтириш 10 йил муддатга берилади. Бунда фоиз ставкаси кредит миқдорини ҳисобга олган ҳолда, бозор фоиз ставкасини 36-60 фоизини ташкил этади.

Венчур тадбиркорлигини қўллаб – қувватлаш мақсадида кичик корхоналар ёпиқ инвестиция фонди ташкил этилган. У фақат биржада рўйхатга олинмаган корхоналарга маблағ беришга ҳақли фонд сармояси давлат облигациялари ёки бошқа ёпиқ фондлар акцияларига инвестицияланиши мумкин эмас. Бу ҳолда фонд улуши иштирокида таъсис этилган компаниялар акцияларини сотиш фойда олишнинг асосий манбаи бўлади.

Кичик тадбиркорликка алоҳида имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Улар ташкил этаётган фирмалар қўшимча молиявий афзалликларга эга бўлади. Уларга ажратиладиган сумманинг 50 фоизигача миқдори ускуна харид қилишга срафланади, 15 фоизи узоқ муддатли кредит сифатида берилади: дастлабки икки йил мобайнида ноишлаб чиқариш чиқимлари учун алоҳида маблағлар берилади. Имтиёزلарни беришда вақти-вақти билан фирма фаолияти аудиторлик назоратидан ўтказилади ҳамда қонунлар жиддий бузилгани аниқланганда улар бекор қилинади.

Россия Федерациясида кейинги йиллар мобайнида кичик бизнес соҳасида жуда кўп ишлар амалга оширилади. Россия ҳам авваллари хусусий сектор ва тадбиркорлик фаолияти паст даражада эди.

Бугунги кунга келиб, бу ерда 836200 кичик корхона фаолият кўрсатмоқда, ҳар минг кишига 5.65 та кичик корхона тўғри келади.

Россияда солиқ сиёсати бўйича жадал ишлар амалга оширилмоқда. Солиқ “юки” юқори эканлиги бизнесни ривожланишига тўсқинлик қилибгина қолмайдан, балки кўпгина тадбиркорларни бозорда рақобатбардошлигини сақлаб қолиш учун “хуфиёна иш юритишга” мажбур

килади. Россияда солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини кўллайдиган кичик бизнес корхоналир учун ягона солиқ ставкаси даромад ҳажмининг 6 фоизини ёки ҳаражатлар миқдорига камайтирилган даромаднинг 15 фоизини ташкил этади.¹⁴ Солиқ солиш объекти тадбиркорнинг ўзи қоплайди.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини кўллайдиган ташкилот кўшилган қиймат солиғини тўловчи ҳисобланмайди. Россия Федерациясининг божхона ҳудудига олиб келишда тўланиши керак бўлган кўшилган қиймат солиғи бундан мустасно.

Бундан ташқари Россия даромад солиғи учун 13 фоиз миқдоридан пропорционал (ясси) шкала кўлланилишидан ташқари, социал солиқ регрессив шкала бўйича ундирилади. Ушбу схема бўйича муайян даражадан олинандиган иш ҳақи суммасидан пасайтирилган ставка бўйича солиқ ундирилади. Бунда энг юқори ставка 26 фоизни ташкил этади. (20 фоиз – қишлоқ хўжалиги корхоналари учун).

Лекин Россия Федерацияси солиқ билан боғлиқ муаммоларнинг асосийси бу қўшимча қиймат солиғи ҳисобланади. У импорт қилувчининг ҳаражатларини кўпайишига олиб келади. Ҳозирги кунда бу масала, товарларни четдан олиб келишда мажбурий тўловлар ставкаларини белгилашда ҳукумат томонидан ҳисобга олинмоқда.

1993-2003 йилларда Латвия ҳукумати ислохотлар ўтказди. Жарима солиш тартибини такомиллаштириш ислохотларнинг марказий йўналишларидан бири бўлади. Ушбу вазифани ҳал этиш учун “норматив талабларга риоя этишга йўналтирилганлик” принципи ишлаб чиқилди ва назорат органлари ишига жорий этилди. Бунда санкция кўллаш пировард мақсад бўлмай қолади, балки хавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш воситаларидан бирига айланади. Бунда ундан фақат муқобил вариантлар кўриб чиқилгандан кейин фойдаланилиши зарур.

¹⁴ Россия Федерациясининг солиқ кодекси. 346.20-модда, 241-модда.

Ислохотлар натижалари назорат органлари раҳбарлари билан биргаликда муҳокама қилиш чоғида жойнинг ўзига бориб, тез-тез текширишлар ўтказиш ва уларни давом этишининг ўзгариши, шунингдек “норматив талабларга риоя этишга йўналтирилганлик” принципини жорий этилганлиги аҳол соғлигини мудофаа қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашни ёмонлаштирмаганлиги тўғрисида бир фикрга келиш.¹⁵

Латвияда ҳам текширишларни таъйинлаш мезонлари кенг фойдаланилади. Бу усул текшириш учун танлаш ва текширишларни даврийлигини хўжалик юритувчи субъект фаолияти фуқароларни солғлиғига, атроф-муҳитга ёки мамлакатни иқтисодий ҳолатига потенциал хавф даражасига боғлиқлиги назарда тутади.

Буюк Британияда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий ҳукумат дастури Loan Guarantee Scheme ҳисобланади. У тижорат банклари учун мустақил равишда кредит олмайдиган тадбиркорлик турларига кредит бериш имконини беради. Бунда ҳукумат 70 фоизгача, хатар мавжуд бўлган жойларда эса 85 фоизгача маблағ қайтмаслигини кафолатлайди. Бундай кафолатлар фоиз ставкаси йилига 2.5 фоизни, хатар мавжуд бўлган жойларда эса 2 фоизни ташкил этади. Шу тариқа банклар томонидан кичик тадбиркорликка тақдим этиладиган кредитларни 70-80 фоизи ҳукумат томонидан кафолатланади. Бу кафолатларни қоплаш учун ҳар йили бюджетдан тахминан 50 млн фунт стерлинг ажратилади.

“Маҳаллий аҳамиятдаги корхоналарга кўмаклашиш агентлиги” кичик фирмаларни ҳудудий қўллаб-қувватлайдиган 200 мустақил бюродан иборат ассоциациядир. Унинг “Корхоналар ташкил этишга кўмаклашиш схемаси” дастури ўз фирма, корхона кабиларни очишни ҳоҳлаган ишсизларга молиявий ёрдам беради. Бошқа дастур “Кредитларни кафолатлаш” дастурига мувофиқ, уч йил мобайнида муваффиқиятли фаолият олиб борган

¹⁵ Ўзбекистондаги тадбиркорлик муҳити кичик ва хусусий бизнес вакиллари нигоҳида. Тошкент, 2010 йил 25-бет.

тадбиркорлар ҳисобига суғурта мукофотлари бералади. 90-йиллардан бошлаб, Буюк Британия саноати конфедерацияни “Тадбиркорликни кенгайтириш дастури”ни амалга оширмоқда. Унда кичик тадбиркорлик билан амалий муносабатлар ўрнатилган ва унинг ривожланишидан манфаатдор юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган махсус бадал кичик корхоналарни молиялаштиришни қўшимча манбаи ҳисобланади. Шунингдек, жойларда кичик тадбиркорликни ривожлантиришни учун муниципал ҳукуматнинг молиявий қўллаб-қувватланиши таъминлайдиган, шунингдек, ўз ишини ташкил этиш ёки кенгайтиришда ёшларда қўмаклашадиган, кичик тадбиркорлик соҳасида тадбиркорни тайёрлайдиган махсус дастурлар мавжуд.

3.2-жадвал

Турли давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий бошқаришда давлатнинг бош ислохотчилик йўналишидаги аҳамияти¹⁶

АҚШ	Англия	Германия	Франция	Япония	Ўзбекистон
эркин бозор муносабат-ларига асосланган	давлат ва бозор механизми фаолия-тига асосланган	ижтимоий бозор хўжалигига асосланган	давлат «дирижизм»и-га асосланган	ишлаб чиқариш фаолиятини кооператив-лаштириш устуворли-гига асосланган	«давлат – бош ислохотчи» тамойили асосида бозор муносабат-ларини фаоллашти-ришга асосланган

3.2. Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда юзага келган муаммолар

Миллий иқтисодиёт ислохотларининг самараси, аксарият ҳолларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлиб бормоқда. Шу кунгача бу соҳани жадал ривожлантириш борасида ҳукумат раҳбарлигида

¹⁶ Жадвал талаба томонидан Internet маълумотлари асосида тузилган (манбалар www.cer.ru сайтдан олинган).

қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти корхоналари учун қулай шарт-шароитларни яратиб берувчи инфратузилма муассасаларини қарор топтириш бу борадаги асосий йўналишлардан бирига айланди.

Наманган вилоятида бозор инфратузилмасига хос барча муассасаларнинг ривожланиши устивор аҳамият касб этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хизмати билан узвий боғлиқ бўлган консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, суғурта тизимлари ва бошқа тузилмалар фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этадики, бу борада Президент И.А.Каримовнинг бир неча асарларида ҳам қайд этилган.

«Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кўп бўҳинли инфратузилмасини яратишни талаб қилади. Инфратузилмага эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмайди»¹⁷. Демак, тадбиркорликни ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилма объектив ҳол бўлиб, у асосан тадбиркорлик фаолиятини яхшилашга қулай муҳит яратади.

Наманган вилояти иқтисодиётини ислоҳ қилишда маълум даражада орттирилган ижобий тажриба мавжуд бўлсада, аммо кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни, янада такомиллаштириш чора-тадбирларини чуқурроқ қўллашни тақозо этмоқда. Чунки вилоят ишбилармонлари ҳали қатор ҳал этилмаётган муаммоларга дуч келмоқдалар.

Хусусан, худудий ва идоравий бошқарув тузилмалари раҳбарларининг ташаббуссизлиги туфайли ушбу сектор фаолияти учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолияти жуда суст. Бу эса республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган салбий сабаблардандир. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек,

¹⁷ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1994. 35 бет.

«...жойлардаги тузилмаларга кўпроқ эркинлик бериш, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига хос усул-услугларини жорий этишга олиб келмаяпти»¹⁸.

Наманган вилояти ҳамда унинг туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги иқтисодий жиҳатдан салбий тўсиқлар кўп ҳолларда белгиланган ишларнинг аҳволи қониқарсиз эканлигини кўрсатмоқда. Фақат Наманган вилоятида эмас, балки аксарият вилоятларда ишлаб турган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг деярли кўпчилиги ишлаб чиқариш билан эмас, балки кўпроқ савдо-сотик ишлари билан шуғулланмоқдалар.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пухта ишланган лойиҳалари ва истиқболлий ташаббуслари зарур молиявий ресурслар ва амалий қўллаб-қувватлаш тизимининг суст фаолиятига кўра турли сабаблар натижасида амалга оширилмай қолиб кетмоқда. Шу туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига асосланган корхоналарнинг банкротга учраши ҳоллари рўй бермоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларининг банкротлик ҳолатларини ички омиллардан кўра кўпроқ ташқи омилларга боғлиқлигини таъкидламоқдалар (3.1-расмга қаранг). Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ички муҳитидан кўра корхонанинг ташқи муҳити билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳал этиш анча мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

Айниқса, банк кредитларидан фойдаланишда, уларни олиш тартиботлари мураккаблиги туфайли чет эл кредит ресурсларини олишдаги қийинчиликлар, қарз олишни таъминлаш бўйича талабларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун юқорилиги, қарзларни рўйхатга олиш бўйича меъёрий талабларнинг юқорилиги бизнес сектор фаолиятини сусайтирмоқда.

Наманган вилоятида тадбиркорликни ривожлантиришга қуйидагича муаммоларни асосий деб ҳисоблаймиз:

¹⁸ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. // Turkiston. 17 феврал. 2001. №13-14. (144).

- хом ашё, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар сотиб олиш учун валюта олиш, хорижий кредит йиналишлари бўйича кредит маблағларини қайтариш имкониятларининг чекланганлиги;

- стартегик хом ашё ресурсларининг айрим турларига ижозат чегараланганлиги;

- фоиз ставкалари юқорилиги, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш тажрибаси йўқлиги, тадбиркорлик маданиятининг етишмаслиги туфайли кредит, молия ресурсларини олиш борасида қийинчиликлар мавжудлиги;



Манба: Муаллиф томонидан ишланган

3.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига акс таъсир этувчи иқтисодий омиллар

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторига ўзлаштирилган экспорт маҳсулотларини сотишда кўмаклашиш учун профессионал маркетинг тузилмаларининг етишмаслиги;
- хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш учун хорижий бозорларни билмаслик;
- кредит олиш учун кўп миқдордаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва хоказоларнинг кўплиги;
- хусусий тадбиркорлик соҳасида пухта тайёргарлик кўрган, профессионал жиҳатдан ўқувли ташкилотчилар, раҳбарларнинг етишмаслиги.

Кўпчилик тадбиркорлик субъектларида ички омиллар ҳам сезиларли даражада корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ажратилган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланмаяптилар. Бизнес-режа тузишни, маркетинг хизматларидан фойдаланишни яхши ўзлаштириб олмаганлар. Уларда молия ва ишлаб чиқариш интизоми жуда сустр.

Бугунги кунда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, шунингдек, ҳозирча сезиларли даражада чора-тадбирлар кўра олмайётган Савдо-саноат палатаси бутун кучини ишга солиши шартлигини шахсан, Президентнинг ўзи ҳам қаттиқ таъкидлаб ўтган. Ушбу палата билан бизнес субъектларининг ҳамкорликда ишлаш жараёнидаги бир-бирини тушуниш ҳолатлари яхши эмас. Сабаби маҳаллий ҳокимият органлари уларга тегишлича мадад кўрсатмаяпти. Жойларда ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашуви каби мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган фактлар мавжуд.

Кўп ҳолларда раҳбарлар томонидан кичик бизнесда хўжалик юритувчи субъектлар қаторида фақатгина юридик шахсларни тан олиб, жисмоний шахсларни эса тан олмаслик, яъни хўжалик юритувчи субъектлар қаторига

қўшмаслик ҳолатлари туфайли уларни ҳуқуқий кафолатланган имтиёزلардан фойдаланиш имконидан маҳрум этмоқдалар. Бу эса тадбиркорлик субъектлари учун ҳуқуқий камситилишдан бошқа нарса эмас. Ҳуқуқий ёндашадиган бўлсак, «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонуннинг 2 моддасида бу ҳақида батафсил баён этилган.

Ҳар бир киши ўз бизнесининг эгаси эканлигини хис қилиши, унинг ўзига бериб қўйилган эркинликлардан ва ҳуқуқий кафолатланган имкониятлардан фойдаланиб машаққатли меҳнат билан қўлга киритилган даромадини ихтиёрий ҳолда самарали ўзлаштириши лозим. Энг асосийси – тадбиркорлик фаолиятини юритишда мулкнинг дахлсизлиги қонуннинг ишлаш механизмига эътибор бериш керакки, у ҳар бир бизнесменга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни мустақил тасарруф этиш, ўз корхонасининг ёки оиласининг (оилавий бизнес) маъмурчилигини таъминлаш имконини берсин. У ўз мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлгани учун уни чекланмаган ҳолда ишлатади. Бу ҳақида ҳам мавжуд қонунлар, фармонларда қайд этилган. Амалда эса мулкни тасарруф этишда ҳам жиддий камчиликлар юзага келганки, мулкнинг дахлсизлиги қонуннинг ишлаш механизми тўлақонли амалга оширилмаяпти.

Мулк объекти эркинлик, мустақиллик асосида ўзининг субъекти томонидан ихтиёрий тарзда ўзлаштирилиши керак. Лекин айрим раҳбар ходимларнинг боқимандалик руҳияти сақланиб қолганки, улар кичик бизнес субъектларига «хомийлик қилиб беринг» қабалида бюрократик муносабатларни ханузгача давом эттирмоқдалар. Хатто уларнинг ҳисоб рақамларидаги миқдорнинг ҳажмига қараб «хомийлик»ни белгилашади. Бу эса ҳар қандай бизнес юритувчи шахс ўз ҳисоб рақамидаги суммани сир тутишига ҳаққи борлигини ва уни давлат томонидан ҳуқуқий кафолатланишини тан олмасликдир. Бундай ҳолат тадбиркорлик субъектлари томонидан олинishi керак бўлган даромадга ҳам салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта.

Аксарият ҳолларда моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиқка риоя қилинмаяпти. Ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шаклларини яратиш, қишлоқ жойларида бу корхоналарнинг бўлимларини ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар. Шаҳарларда жойлашган хусусий корхоналар маблағларини қишлоқ жойларидаги кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жалб қилиш учун яратилган механизм деярли ишламаяпти.

Хусусийлаштирилган мулкни ишга солиб юбориш жараёнларида ҳам маълум тўсиқлар борки, бунинг учун тадбиркор ойлаб вақт йўқотади. Навбат кутишлар, мансабдор шахсларнинг тўраларча муносабатлари, айрим ҳолларда очиқчасига таъмагирлик қилишлари тадбиркорларнинг ишдан кўнглини совутмоқда, ислоҳотга, келажакка ишончларини йўқотмоқда. Бундан ташқари, банкда ҳисоб рақами очиш, пул ўтказиш масалаларида тадбиркорларга ўғай кўз билан қараш ҳоллари мавжуд. Умуман кичик бизнес секторини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми самарали ишламаяпти.

«Шуни таъқидлашимиз керакки, кичик ва хусусий бизнеснинг кенг ривожланишида... Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рекэт, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларнинг устингдан жиноий иш қўзғатаман, деб қўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда»¹⁹.

Ушбу долзарб муаммоларни ўрганиш, келажакда кичик бизнеснинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ҳиссаси қандай бўлишини таҳмин қилиш ва унинг республикада кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш имконини беради. Шу боис кичик

¹⁹ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз. // FIDOKOR. 25 февраль, 2000.

бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муаммоларини ўрганиш давр талабидир.

Хулоса шундан иборатки, бугунги кунда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун республикада барча ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд ва бу соҳадаги ишлар ҳали давом этмоқда. Бироқ янгича иқтисодий тафаккурнинг заифлиги туфайли қонунга амал қилмаслик, тартиббузарлик, қонунни «айланиб ўтиш» ҳолатлари кичик бизнеснинг, умуман иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай вазият бозор тизимининг такомиллашмаган кўринишини намоён этиши мумкин.

«Шуни таъкидлашимиз керакки, кичик ва хусусий бизнеснинг кенг ривожланишида... Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рекэт, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларнинг устингдан жиноий иш қўзхатаман, деб кўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда»¹.

3.3. Хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари

Жаҳондаги кўпгина ривожланган мамлакатларга эътибор берадиган бўлсак, ҳар бир давлат иқтисодиётининг ривожланишида тадбиркорлик фаолияти ўз ўрнига эга. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим ўрин тутган тадбиркорлик фаолияти кўп жиҳатлари билан иқтисодий ўсишнинг моддий, молиявий суръатларини белгилайди ва малакали кадрларни мувофиқ тақсимланишига ёрдам беради.

Масалан, тадбиркорликнинг улуши АҚШда – 99,8 фоиз, Японияда - 99,5 фоиз, Германияда - 87,7 фоиз, Буюк Британияда - 75,8 фоизни ташкил қилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлайдиганлар умумий банд аҳоли сонига нисбатан салмоғи АҚШда 53,0

¹ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз. // FIDOKOR. 25 февраль, 2000.

фоиз, Японияда 77,7 фоиз, Германияда 66,0 фоиз, Буюк Британияда 52,0 фоизни ташкил этади. Тадбиркорлик секторининг бир йиллик тушумдаги хиссаси АҚШда - 45,0 фоиз, Японияда - 51,8 фоиз, Буюк Британияда - 39,0 фоизни ташкил этади. Умумий миллий даромадга нисбатан тадбиркорлик корхоналарининг улуши АҚШда - 34,9 фоиз, Японияда - 56,6 фоиз, Германияда - 47,7 фоиз²⁰.

Тўғри, ривожланган мамлакатлар тажрибалари, амалий йўналишлари, интеллектуал хулосаларини менталитет хусусиятлари заминдан келиб чиқмай туриб жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки Ўзбекистон шароитида маълум бир тарихий тадрижиёт натижасида муҳим иқтисодий замин шаклланди. Эндиги навбат уни илҳор тажрибалар асосида ислох қилиш. Буни ўз вақтида англаган республика раҳбарияти талай амалий тадбирларни режалаштирди ва жорий этди.

Сўнгги вақтларда вужудга келган вазиятларни ҳисобга олиб, тадбиркорлик ривожланишининг умумий ва асосий йўналиши бўйича муҳим чора-тадбирлар қабул қилинди, бу тадбирларни амалга ошириш йўриқлари ишлаб чиқилди. Демак, айтишимиз мумкинки, давлатимиз иқтисодиётини юксалишида тадбиркорликнинг ривожланиши жуда катта аҳамиятга эга.

Республикада тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши борасидаги сайи-ҳаракатлар сўнгги йилларда кучайди. Хусусан 2005-2014 йиллар мобайнида 20 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш мақсадидаги вазифаларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинди.

Янги қабул қилинган бу меъёрий ҳужжатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бу фаолиятнинг ўзаро иқтисодий муносабатлардаги муаммоларини ўрганиш, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги

²⁰ Ровенский Ю. Мировая практика определения критериев предприятий малого бизнеса. «Бизнес» №8-9.

аҳволини холис баҳолаш, шунингдек, зарурият тухилганда янгиларини ишлаб чиқиш қўзда тутилган.

2005 йилнинг 5 октябр ойига келиб, ҳукуматнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги яна бир Фармони қабул қилинди. Унга кўра микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ҳуқуқий жихатдан белгиланди. Бундан ташқари тадбиркорлик субъектларини текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек, етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди. Фармонда белгиланишича, назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жинойий жавобгарликка тортиладилар²¹.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи молиявий институтлар - Савдо-саноат палатаси, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги хорижий молиявий фондлар, суғурта агентликлари, бизнес-инкубаторлар фаолиятларини яхшилашга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилди.

Аммо, иқтисодиётимизнинг ривожланишида тадбиркорликнинг ижобий фаолиятини эътироф этган ҳолда, унинг аҳамиятини ортиқча бўрттириш ҳам нотўғри. Кичик тадбиркорлик фақат муайян доирадагина фаоллик кўрсата олади, шу сабабли кичик тадбиркорликни самарали

²¹ Мазкур Фармоннинг 1 ва 2-бандларига қаранг.

ривожлантириш учун керакли шароитни яратиш зарур. Бу ишда хориж тажрибасини ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.



Манба: Муаллиф томонидан ишланган

3.2-расм. Бозор инфратузилмаси тизими.

Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёни тезлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишда қуйидагилар асосий йўналиш бўлиб хизмат қилиши лозим:

- марказлашган ресурс манбалари, ахборот-маълумотлар базасига киришни таъминлаш, тадбиркорлар ва харидорлар ижтимоий ҳимоя кафолатини шакллантириш;
- молиявий кредит муомаласи тармоғида тадбиркорлик учун кредит муассасалари (масалан, кредит омонат муассасалари) ташкил этишга керакли шароитлар яратиш ва кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш;
- солиқлар, валюта ва ташқи савдоларни бошқаришда хорижий инвестициялар учун мустаҳкам режим ўрнатиш, хорижий капитал ёрдамида

хусусийлаштириш учун керакли шароитлар яратиш, инвестицион лойиҳалар ҳақида маълумотлар тизимини ташкил этиш;

- қайта ишланган маҳсулот экспорти билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун валюта тушуми савдосининг мажбурий меъёрларини яхшилаш, банклараро ҳисоблаш тизимини ривожлантириш;

- тадбиркорликда лизинг хизматларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш;

- тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ва талаб конъюктурасини ўрганиш учун Республика ахборот тизимини ташкил этиш;

- тадбиркорлик корхоналарини кредит маблағлари билан таъминлашда суғурта агентликлари ёрдамидан фойдаланиш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари томонидан қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш, шу жумладан, маҳаллий миқёсда амал қиладиган солиқ имтиёзларини ишлаб чиқиш.

Ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш йўлида, республикада тадбиркорликни ривожланиши учун кенг қўламдаги имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Жумладан:

- мавжуд молия жамғармаларидан тадбиркорликни барқарор ривожлантириш учун тўлиқ фойдаланиш;

- олинган кредитларни оқилона, самарали ишлатиш;

- замонавий чет эл технология ва ускуналаридан фойдаланиш;

- замонавий таълим даражасидаги малакали мутахассислардан фойдаланиш ва кадрларга замонавий таълим бериш;

- чет эл фондлари томонидан ажратилган маблағлардан ҳам унумли фойдаланиш;

- ташқи ва ички бозор талабига жавоб берадиган товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш.

Ушбу масалаларни ҳал этиш учун:

1) Бошқа мамлакатлардан импорт қилинаётган хом ашё ресурсларининг энг муҳим турларини, бутловчи ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келтирилишини қисқартириб, чет эл технология ва ускуналарини олиб келиш ҳисобига, ўзимизда импортни ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш керак. Бунинг учун ҳозирги замон талабига жавоб берадиган технологиялардан фойдаланиб, юқорида айтиб ўтган маҳсулотлар билан ўзимизнинг ички ва ташқи бозоримизни таъминлашимиз зарур. Шунингдек, бизнинг шароитда тадбиркорлик илмий-техник тараққиётни ривожлантиришга ёрдам бериши ҳам мумкин. Бунда энг муҳими фан ютуқларимизга таяниб, олимларимиз томонидан яратилаётган янги илмий техника ишларини ривожлантиришни рағбатлантириш айти муддаодир. Чунки улар яратган янгиликларни тадбиркорликда қўллаш анча арзон тушади. Бизда бундай имкониятлар мавжуд. Янги технология маҳаллий минтақавий шароитда ишлаб чиқилса, жуда кўп иқтисодий имкониятлар қўлга киритилади:

-энг аввало давлат ҳиссасидаги валюта миқдори тежалади, буни барча техника-технологияни ўзимизда яратилиши билан тушунтириш мумкин,

-иш билан бандлик муаммоси ҳал этилади, жамиятимизнинг демографик вазияти анча яхшиланади,

-янги технологияни қайта жиҳозлаш, деталларни ишдан чиққанда уни ишлаб чиқариш ва ўрнатиш ҳам ўзимизда ҳал этилади,

-яратилган янги технологиялар ўзлаштирилиши учун четдан мутахассис чақирилмай, балки маҳаллий мутахассислар ёрдамида ўқишлар ташкил этилади, бу ҳам давлатнинг валюта чиқимини камайтиради.

2) Корхонанинг асосий мавқеи унинг малакали ходимлари билан белгиланади. Корхоналарнинг ривожланиши учун кадрларни ўз соҳаси бўйича билим даражасини ошириш муҳимдир. Бунинг учун айрим соҳа мутахассисларини чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларида ўқитиш ҳамда хорижий фирмалар, компанияларда малакасини ошириш, шу билан биргаликда ўзимиздаги халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар,

ноҳукумат муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан кадрларни ўқитиш бўйича тадбирлар кўриб бориш лозим.

3) Корхоналар, тадбиркорлар, давлатдан ўзлари оладиган маблағлар (кредитлар)ни аниқ мақсадларга йўналтиришлари керак. Олинадиган маблағлардан самарали ва муайян мақсад йўлида фойдаланиш учун катта масъулият сезиш ҳисси катъий бурч бўлиб қолиши керак. Кредитлар ўз вақтида қайтарилишига эришмоқ даркор. Сабаби улардан ишлаб чиқаришни юксалтириш учун энг кўп самара билан фойдаланишга интилишлари лозимлиги кўзда тутилмоғи зарур.

5) Тадбиркорлик корхоналарини барқарор ривожлантириш учун фондлар ва банклар томонидан ажратилган субсидиялар, шу жумладан қайтариб олинмайдиган субсидиялар манба бўлиб хизмат қилиши лозим.

5) Маълумки дунё миқёсида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун халқаро ташкилотлар мавжуд. Ўзбекистонда фаолият юритаётган Европа тикланиш ва тараққиёт банки 110 млн. АҚШ доллари, Осиё ривожланиш банки 50 млн. АҚШ доллари, Япония Экзимбанки 50 млн. АҚШ доллари, Халқаро Молия Корпорацияси 50 млн АҚШ доллари, Германия Ривожланиш кредит агентлиги 50 млн. ДМ, Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди 20 млн. АҚШ доллари, Германия «Кредитенштальт флюр Видерауфбау» банки 15 млн. евро микдорида тадбиркорликни ривожлантириш учун жалб этиш қайд қилинган. Халқаро ташкилотлар тадбиркорликни ривожлантириш учун маблағлар ажратган экан, бундан оқилона, унумли фойдаланиб, зарур бўлган асосий объектларга сарфлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

б) Ташқи ва ички бозорларда қандай товарларга эҳтиёж сезилаётганлигини билишимиз учун аввало, маркетинг тизимини йўлга қўйиб, ундан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қайд этиш зарурки, бугунги кунда аксарият кичик ва хусусий корхоналар фаолияти маркетинг соҳасидан йироқдирлар. Маркетинг тизимидан фойдаланишда ҳозирги замонавий компьютер тизимини қўллаш ва бу орқали интернет

тизимларини ўзлаштириш айниқса зарурдир. Компьютерлар жаҳон бозоридаги кунлик нарх-наво, талаб ва таклифни кузатиб боришда энг қулай воситадир. Унинг маълумотларига суяниб иш юритиш талаб этилади. Бу эса ҳар бир корхона учун қандай товар ишлаб чиқариш муҳимлигини белгилаб беради.

Фикримиз яқунида қайд этамизки, агарда тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришда юқоридаги таъкидлаб ўтилган таклафлар амалда жорий этилса, тадбиркорликни ривожлантиришдаги самарадорлик даражаси янада ортиб, иқтисодиётимизнинг юксалишига олиб келади.

ХУЛОСА

Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида ўтказилган тадқиқотларда шулар аён бўлдики, хусусий тадбиркорликни бошқариш ва ривожлантиришдаги асосий муаммолар:

- иқтисодий эркинликни амалда камситилиши;
- қарорларнинг жойларда суи бажарилаётганлиги;
- янгича иқтисодий фикрлашнинг заифлиги;
- ҳокимият ва хусусий сектор ўртасидаги келишмовчиликнинг юзага келганлиги;
- давлат томонидан меъёрий-ҳуқуқий ва иқтисодий тартибга солиш доирасида жойларда юзага келган камчиликларнинг мавжудлигидан иборат.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни тавсия этамиз:

1. Наманган вилоятида тадбиркорлик фаолиятининг самарали олиб борилиши, тадбиркорнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ташқи шарт-шароитларга ҳам боғлиқ. Уларнинг йиғиндиси тадбиркорлик фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил этади. Бу ўринда биз икки омилни ҳал қилувчи деб ҳисоблаймиз:

-ҳуқуқий омил, бу асосан давлат томонидан қабул қилинган қонунлар асосида тадбиркорлик фаолиятини белгилаб беришда ифодаланган. Албатта, бу қонунлар тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаши ва рағбатлантириши лозим. Шунинг учун бу қонунлар догма бўлиб қолмаслиги, ижтимоий тараққиёт талабларини чуқур ўрганиш асосида доимо такомиллаштириб борилиши зарур;

-сиёсий омил бу – давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилишидаги ҳозирги ҳолатга бўлган муносабатида ифодаланади. Чунки

давлат ўзининг қонун ва қарорлари билан тадбиркорлик фаолиятига, унинг ишлаб чиқариш жараёнларига омманинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таъсир этади. Сиёсий омил тадбиркорлик фаолиятини тўғри йўналтиришга, ишлаб чиқариш жараёнини, жамият аъзоларини истеъмол талабларини тўлиқ кондиришга барча шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилиши керак. Мазкур омил барча бўғинлардаги давлат бошқарув органларининг кундалик фаолиятида айниқса яққол ифоланади. Сиёсий омил – сиёсат, қолаверса иқтисодий сиёсат қанчалик доимийлик ҳолатига эга бўлади, тадбиркорлик фаолиятининг ҳам доимий, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёни асосида олиб борилиши таъминланади.

2. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик муҳитини шакллантириш кўйидагиларга боғлиқ:

- жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан ўзгаришига;
- жамият аъзолари психологиясининг ўзгаришига;
- иқтисодиётни ривожлантириш миллий стратегиясига;
- қабул қилинган миллий иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мос тадбиркорлик инфратузилмаларни шаклланишига;

-эркин бозор иқтисодиёти муносабатларининг мустаҳкамлаб ва кенгайтириб борилишига.

3. Тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ўта муҳим аҳамият касб этади, айниқса жамият аъзоларининг меҳнатга лаёқатли қисмини ишлаб чиқаришда фаол қатнашишлари учун иш жойлари билан таъминлаш асосан унинг зиммасига тушади. Шунинг учун давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун кўйидагиларга эътибор беришни кучайтириш зарур:

-тадбиркорлик фирмаларининг расман шаклланишининг тартиб-қоидаларини янада шакллантириш, бу борада давлат органлари томонидан мунтазам бепул маслаҳат ва кўмак берилишини жорий этиш;

-тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун давлат томонидан иқтисодий имтиёзлар бериш даражасини янада такомиллаштириш;

-хусусий корхоналарнинг энг илғор технологиялар билан таъминланиши, техникавий қайта қуроллантирилишида иқтисодий имтиёзлар берилиши билан биргаликда техникавий характердаги чекловларни юмшатиш, техникавий рухсат бериш ва назорат тизимларини соддалаштириш;

4. Германияда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол молларини кўплаб турларини ишлаб чиқарадиган корхоналар давлат тасарруфидан ҳар томонлама рағбатлантирилади. Улар қишлоқ жойларида цехлар шаклида кичик-кичик ишлаб чиқариш қувватлари сифатида ташкил этилган. Бу давлат ҳам кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлатлар тизими шаклланган бўлиб, у биринчи галда бу борадаги ҳуқуқий базани яратишга ва тадбиркорларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга асосланади.

5. констеляцияларни фойдаси ва самараси юқоридир. Кичик корхоналар бирлашиб олишган кейин ўз муаммоларини ҳал этибгина қолмай, балки ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги бозорларга чиқиш каби масалаларни ҳам ҳал этиш имконига эга бўладилар.

6. Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёни тезлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишда қуйидагилар асосий йўналиш бўлиб хизмат қилиши лозим:

- марказлашган ресурс манбалари, ахборот-маълумотлар базасига киришни таъминлаш, тадбиркорлар ва харидорлар ижтимоий ҳимоя кафолатини шакллантириш;

- молиявий кредит муомаласи тармоғида тадбиркорлик учун кредит муассасалари (масалан, кредит омонат муассасалари) ташкил этишга керакли шароитлар яратиш ва кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш;

- солиқлар, валюта ва ташқи савдоларни бошқаришда хорижий инвестициялар учун мустаҳкам режим ўрнатиш, хорижий капитал ёрдамида

хусусийлаштириш учун керакли шароитлар яратиш, инвестицион лойиҳалар ҳақида маълумотлар тизимини ташкил этиш;

- қайта ишланган маҳсулот экспорти билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун валюта тушуми савдосининг мажбурий меъёрларини яхшилаш, банклараро ҳисоблаш тизимини ривожлантириш;

- тадбиркорликда лизинг хизматларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш;

- тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ва талаб конъюктурасини ўрганиш учун Республика ахборот тизимини ташкил этиш;

- тадбиркорлик корхоналарини кредит маблағлари билан таъминлашда суғурта агентликлари ёрдамидан фойдаланиш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари томонидан қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш, шу жумладан, маҳаллий миқёсда амал қиладиган солиқ имтиёзларини ишлаб чиқиш.

7. Корхонанинг асосий мавқеи унинг малакали ходимлари билан белгиланади. Корхоналарнинг ривожланиши учун кадрларни ўз соҳаси бўйича билим даражасини ошириш муҳимдир. Бунинг учун айрим соҳа мутахассисларини чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларида ўқитиш ҳамда хорижий фирмалар, компанияларда малакасини ошириш, шу билан биргаликда ўзимиздаги халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, ноҳукумат муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан кадрларни ўқитиш бўйича тадбирлар кўриб бориш лозим.

8. Корхоналар, тадбиркорлар, давлатдан ўзлари оладиган маблағлар (кредитлар)ни аниқ мақсадларга йўналтиришлари керак. Олинадиган маблағлардан самарали ва муайян мақсад йўлида фойдаланиш учун катта масъулият сезиш ҳисси катъий бурч бўлиб қолиши керак. Кредитлар ўз вақтида қайтарилишига эришмоқ даркор. Сабаби улардан ишлаб чиқаришни юксалтириш учун энг кўп самара билан фойдаланишга интилишлари лозимлиги кўзда тутилмоғи зарур.

9. Ташқи ва ички бозорларда қандай товарларга эҳтиёж сезилаётганлигини билишимиз учун аввало, маркетинг тизимини йўлга қўйиб, ундан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қайд этиш зарурки, бугунги кунда аксарият кичик ва хусусий корхоналар фаолияти маркетинг соҳасидан йироқдирлар. Маркетинг тизимидан фойдаланишда ҳозирги замонавий компьютер тизимини қўллаш ва бу орқали интернет тизимларини ўзлаштириш айниқса зарурдир. Компьютерлар жаҳон бозоридаги кунлик нарх-наво, талаб ва таклифни кузатиб боришда энг қулай воситадир. Унинг маълумотларига суяниб иш юритиш талаб этилади. Бу эса ҳар бир корхона учун қандай товар ишлаб чиқариш муҳимлигини белгилаб беради.

Фикримиз яқунида қайд этамизки, агарда тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришда юқоридаги таъкидлаб ўтилган таклафлар амалда жорий этилса, тадбиркорликни ривожлантиришдаги самарадорлик даражаси янада ортиб, иқтисодиётимизнинг юксалишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалри.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент «Ўзбекистон» 2002 й.

2. "Хусусий корхоналар тўғрисида" Қонун. 2003 йил 11 декабр.

3. " Валютани тартибга солиш тўғрисида" Қонун. (янги тахрир) 2003 йил 11 декабр

4. "Хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2003 йил 30 август № ПФ-3305

5. "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2005 йил 14 июн

6. "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2005 йил 14 июн

7. "Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ҳамда савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 2002 йил 13 ноябр № 390

8. "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2005 йил 15 июн

9. И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. Халқ сўзи, 22 январ, 16 –сон.

10. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

11. И.А.Каримов. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий

дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2013 йил

12. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоийиқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи.

13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

15. И.Каримов, «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобидан, Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

16. И.Каримов, «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» асаридан, Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 йил.

II. Дарсликлар ва монографиялар

17. А.Солиев. Маркетинг. Дарслик. Тошкент 2010.

18. А.Солиев «Маркетинг бозоршунослик» Тошкент 2008 йил.

19. Абдурахмонов К.А., Боев Х.И. «Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шаклланишининг ривожланиб бориши» Т.: «Фан» 1995 йил.

20. Абчук В.А. «Основы предпринимательства» М.: Вита Пресс. 1995 год.

21. Боев Х.И. «Аҳолини турли мулкчилик шароитида ижтимоий химоялашни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари» Т.: ТДИУ, 1995 йил.

22. Дискон Д.Е. «Совершенствуйте свой бизнес» М.: Финансы и статистика 1994 год.

23. Иброхимов А. «Ватан туйғуси». Т.: «Шарқ». 1999й.

24. Ғаниев Д. «Инсон камолотининг маънавий асослари». Т.: «Университет» 1998 й.

25. Ғуломов С.С. ва бошқалар «Менежмент ва бизнес асослари» Т. «Меҳнат» 1997 йил.

26. Ғуломов С.С., Ахмедов Д.К., Боев.Х.И. «Кичик ва хусусий тадбиркорлик асослари» Т. Т.Д.И.У. 1996 йил.

27. Ғуломов.С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Т. Университет 1998 йил.

28. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари Т.: Меҳнат, 2000

29. Абатуров В., Пугач Г. И др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы.

30. Абалкин Л. Экономические реалии и абстрактные схемы. Ж. Вопросы экономики, 1996 г №2.

31. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик асослари. Тошкент, 2001 йил.

32. Ходиев Б.Ю ва б.қ.лар. Кичик бизнесни бошқариш Тошкент., Ўқитувчи, 2003 й.

33. Менежмент ва бизнес асослари. Дарслик (Академик С.С./уломов тахрири остида) Тошкент, Меҳнат 1997 й.

34. Тадбиркорларнинг энциклопедик луғати. Тузувчи С. М. Синельников ва бошқалар, СПб «Алга-Фонд», «Аякс», 2004

35. Саноат ишлаб чиқариш иқтисоди ва уни ташкил қилиш. Тошкент, 1990 й.

36. Иқтисодий энциклопедия. Тошкент, 1995 й.

37. Шумпетер И. Теория экономического развития исследования предпринимательского прибыли, капитала, кредита процента и цикла конъюнктуры. Москва, Прогресс, 1982 г.

38. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. Перевод с английского, Москва, Прогресс, 1990 г.

39. Худайбердиев З.Я. Развитие системы подготовки кадров для сферы предпринимательства. Ташкент, 2002 г.

40. Ёлмасов А., Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент, Меҳнат, 1995 й.

Ш. Илмий мақолалар

41. Эшов М. Кичик ва ўрта бизнес ривожланишидаги асосий ўзгаришлар. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1999 №1-2

42. Солиев.А. «Тадбиркорлик йўлдоши» Т.Ўзбекистон. 1999 йил.

43. Содиқов.Н. «Бизнес ва тадбиркорлик хусусида» Бозор, пул ва кредит. Т. 2000йил. 4-сон. 65 бет.

44. Худойбердиев З. «Кичик бизнес - меҳнатни ташкил қилиш муҳим тармоғи». Бозор, пул ва кредит. Журнал. Т. 2000йил. 8-сон 54 бет.

45. Абатуров.В., Саматов. Г., Рустамов.Д. «Кичик ва ўрта бизнес давлат сиёсати устивор йўналиши» Бозор, пул ва кредит. Журнал. Т-2000 йил. 9-сон. 54 бет.

46. Эргашев.Й «Банкларнинг кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб қувватлашдаги роли». Бозор, пул ва кредит. Т.:2001 йил. 9-сон. 16 бет.

47. Ахмедова А. «Кичик корхоналарни ривожлантириш». Бозор, пул ва кредит. Т.: 2001 й. 12-сон. 60 бет.

48. Халимов М. «Кичик бизнес имкониятларини кенгайтириш омиллари» Бозор, пул ва кредит. Журнали. Т.: 2002 й. 2-сон. 26 бет.

IV. Статистик тўпламлар

49. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

50. Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

V. Веб сайтлар

51. www.marketing.spb.ru

52. www.4p.ru

53. [www. dis. ru](http://www.dis.ru). Маркетинг журнал в России и зарубежом.

54. www.4p.com.ua

55. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти:
<http://cbu.st.uz>.

56. Ўзбекистон банклари Ассоциацияси расмий сайти: <http://uba.uz>.